

№ 1 (3) 2021

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES.

DOI: <https://doi.org/10.47390/A1342132021>

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Украм Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Ҳожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкрамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шакаров Қўлмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Назаров Насриддин Атақулович – фалсафа фанлари доктори, сиёсий фанлар доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

НОСИРХОДЖАЕВА ГУЛНОРА

Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрегимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушаррафа Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – психология фанлари номзоди, доцент, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети.

Ижтимоий-туманинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

Crossref DOI префекси: 10.47390. Ҳар бир журнал сони ва ундаги мақолаларга индивидуал DOI рақами берилади.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй.
Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram); (94) 423-12-98

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

| | |
|--|--------------|
| <i>Шаисламова Наргиза Кабиловна</i> | |
| ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ВЕНЧУРЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА | |
| РИСКЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ..... | 4-11 |
| <i>Асамходжаева Шоира Щукуруллаевна</i> | |
| ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ | |
| АНИҚЛАШДА ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКСНИНГ ЎРНИ | 12-18 |

СИЁСИЙ ФАНЛАР

| | |
|--|--------------|
| <i>Мансур Юнусов</i> | |
| КРЕАТИВ ВА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА | |
| АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ..... | 19-25 |
| <i>Атамуратов Мурат Утепбергенович</i> | |
| КРЕАТИВ ВА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА | |
| АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ..... | 26-34 |

ЮРИДИК ФАНЛАР

| | |
|--|--------------|
| <i>Зулфиқоров Шерзод Хуррамович</i> | |
| МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАСИ СИФАТИДА | |
| ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА | |
| ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ | 35-47 |
| <i>Жавлиев Нураги Баходирович</i> | |
| СУД НАЗОРАТИ ВА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ .. | 48-54 |

Иқтисодиёт фанлари

ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ВЕНЧУРЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА РИСКЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

Шаисламова Наргиза Кабиловна

Тошкент молия институти

“Баҳолаш иши ва инвестициялар” кафедраси катта ўқитувчиси

МЕТОДЫ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ ВЕНЧУРНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ

Шаисламова Наргиза Кабиловна

старший преподаватель кафедры «Оценочное дело и инвестиции»

Ташкентского финансового института

METHODS FOR EFFECTIVE RISK MANAGEMENT OF VENTURE FINANCING INNOVATIVE PROJECTS

Shaislamova Nargiza Kabilovna

Senior teacher of the Department “Valuation and Investments”, Tashkent Institute of Finance

Иқтибос келтириши учун / For citation / Для цитирования:

Шаисламова Н.К. Инновацион лойиҳаларни венчурли молиялаштиришда рискларни самарали бошқариш усуллари. -2021. -№ 1(3). – Б. 4–11. <https://doi.org/10.47390/A1342132021N1>

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришида инновацион лойиҳаларни амалга оширишининг зарурлиги ва аҳамияти кўриб чиқилган ҳамда инновацион лойиҳаларни венчурли молиялаштиришда келиб чиқадиган рискларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва уларни самарали бошқариш усуллари баён этилган.

Калим сўзлар: Инновацион лойиҳа, венчурли молиялаштириши, инвестиция компанияси, бошқарув компанияси, венчур фонди, инновацион венчур рисклар, рискларни бошқарни усуллари.

Аннотация. В статье рассматриваются необходимость и значение финансирования инновационных проектов в развитии национальной экономики, а также особенности рисков, возникающих при венчурном финансировании инновационных проектов и методы их эффективного управления.

Ключевые слова: инновационный проект, венчурное финансирование, инвестиционная компания, управляющая компания, венчурный фонд, инновационные венчурные риски, методы управления рисками.

Abstract. The article highlights the need and importance of financing innovative projects in the development of the national economy, as well as the features of the risks arising from venture financing of innovative projects and methods of their effective management.

Key words: innovative projects, venture financing, Investment Company, Management Company, venture fund, innovative venture risks, risk management methods.

DOI: 10.47390/A1342132021N1

Инновациялар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бироқ, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминловчи илмий ғоялар турлича ризк, хавф-ҳатар, таҳдидлар билан боғлиқлигини ҳамда уларни молиялаштириш ҳар доим ҳам ўзини оқламаслигини ёдда тутишимиз лозим. Хавф даражаси юқори бўлган илмий инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболли усулларидан бири бу – венчурли молиялаштиришdir ва бугунги кунга келиб, унинг самарадорлиги жаҳон амалиётида тасдиқланган.

“Венчур капитал” ва “венчур бизнес” атамалари инглизча “venture” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “рискли фаолият”, “хавф билан боғлиқ ишни бошлаш”, “чайқовчилик”, “хавф остида бўлган маблағ” деб таржима қилинади. “Риск” сўзининг иқтисодий мазмуни эса, ноаниқлик шароитида тадбиркорлик фаолияти натижасида ўз ресурсларини қисман йўқотиш, режалаштирилган даромад (фойда)ни ололмаслик ёки умуман фойдани ололмаслик ва қўшимча харажатларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли (таҳдиди)ни тушуниш мумкин ёки бунинг акси - келажакда режалаштирилганга нисбатан сезиларли даражада фойда (даромад) олиш имкониятини англалади [1, 125].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, венчурли молиялаштириш ҳар доим рисклар билан боғлиқ бўлишига асосан, инновацион корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган барча омилларни олдиндан айтиб бўлмаслиги, яъни башорат қилиб бўлмаслиги сабаб бўлади. Амалга оширилаётган инновацион лойиҳанинг иқтисодий ишончлилиги кўп жиҳатдан ноаниқлик шароитида танланган қарорнинг тўғрилигига боғлиқ. Инновацион лойиҳа рискларидан келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш учун ҳимоя чоралари ишлаб чиқилади, мумкин бўлган максимал зарар ҳисоблаб чиқилади ва уларни бартараф қилиш йўллари белгиланади. Шунинг учун ҳар қандай даражадаги рискни бошқаришнинг асосий вазифаси – башорат қилиш ва барча ноаниқлик шароитида келиб чиқадиган салбий оқибатларни бартараф этиш учун оптимал ечимларни танлаш, шунингдек, рискни келтириб чиқарадиган омилларни самарали бошқаришdir [2, 67-68].

Венчур капиталидан фойдаланган ҳолда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш юқори рисқ билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, биз аввало, “инновацион рисқ” тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтамиз. “Инновацион рисқ” тўғрисида иқтисодчи олимлар бир қанча илмий мақолалар, илмий тадқиқот ишлари яратган бўлишларига қарамай, ушбу иқтисодий категориянинг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган.

“Инновацион рисқ” тушунчасига берилган таърифни ўрганиш асосида шуни қайд этиш мумкинки, турли олимлар томонидан мазкур тушунчанинг обьекти турлича аниқлаб берилган. Хусусан, баъзи иқтисодчилар инновацион рисқ обьекти сифатида инновацион лойиҳани кўрсатиб: “Инновацион фаолият риски деганда, танланган инновацион лойиҳани амалга ошириш орқали белгиланган мақсадга эриша олмаслик имкониятини (эҳтимолини) тушунамиз. Бу ерда рисқ, лойиҳани амалга ошириш пайтида мавжуд бўлган ноаниқликни ҳисобга олмайдиган нотўғри бошқарув қарорларининг оқибатлари сифатида намоён бўлади”, деб қайд этган бўлсалар [3, 101], бошқа илмий иш муаллифлари эса илмий-техник ва инновацион ишлаб чиқаришни обьект сифатида кўрсатиб ўтишган, яъни: “Ноаниқлик шароитида инновацион лойиҳаларни реализация қилиш, илмий-техник ва инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнида зарарларнинг пайдо бўлиши, молиявий йўқотишларнинг ҳосил бўлиши, фойданинг кўлдан бой берилиши, жараёнларнинг нокулай бўлган шароитларда кечишига йўл қўйиш эҳтимоли”ни инновацион рисқ деб тушунишган [4, 207]. Учинчи гурӯҳ иқтисодчи олимлар инновацион рисқ обьектини тармоқ ёки корхона деб кўрсатиб, қўйидагича таъриф беришган: “Инновацион рисқ деганда, молиявий активлардан тўлиқ фойда ололмаслик ёки активлар портфелининг қийматини йўқотиш, венчурли (инновацион) лойиҳадан ёки умуман венчур компанияядан кўриладиган даромадни ололмаслик хавфи эҳтимоли (ўлчаб бўладиган эҳтимоли) тушунилади, бунда бозорда кутилаётган талабни топа олмаслиги мумкин бўлган янги товар ва хизматлар ҳамда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқишига, шунингдек, кутилаётган самарани бермайдиган менежмент янгиликларини ривожлантиришга сармоя киритиш орқали инновацион рисклар пайдо бўлади” [5, 30].

Фикримизча, инновацион рискка қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Венчур капитали билан боғлиқ бўлган инновацион рисқ деганда, ноаниқлик шароитида венчур капиталидан фойдаланган ҳолда, илмий-техникавий ва инновацион фаолият давомида кўриладиган даромад ва фойдани йўқотиш ёки венчур капитали инвестицияларини қисман ёки тўлиқ йўқотиш эҳтимоли тушунилади”.


Хозирги кунда инновацион рискларнинг ягона комплекс таснифи мавжуд эмас. Мазкур рискларни аниқ таснифлаш ва идентификациялашсиз венчур фаолиятининг инновацион рискларини бошқариш усувларини ишлаб чиқиш ва

ривожлантириш мумкин эмас. Кўпгина таҳлилчилар инновацион рискларни таснифлашда аввал уларни иқтисодий тизимга таъсирига қараб (кўлами бўйича) таснифлашади, сўнгра уларни даражаси ва устуворлиги бўйича ажратадилар. Макро даражадаги рискларга умумиқтисодий, сугурта, фискал-монетар ва ижтимоий-сиёсий рискларни киритиш мумкин. Мезо даражасида рискларга асосан, тармоқ хусусиятига эга бўлганлар киради: саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги рисклар. Микро даражада эса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган тадбиркорлик рисклари ҳисобга олинади, яъни улар ходимларни бошқариш жараёнида ва молиявий маблағларни бошқаришда йўл қўйиладиган хатолар асосида вужудга келадиган рисклардир. Корхона миқёсидаги (микро даражадаги) тадбиркорлик рисклари молиявий ва тижорат рискларига бўлинади. (1-расм).

Молиявий рисклар ноаниқлик шароитида молиявий пул оқимларининг ҳаракати асосида юзага келадиган йўқотишлар ҳисбланади ва уларнинг таркибига қўйидагилар киради: кредит риски, валюта риски, фоиз риски ва инфляция риски.

Тижорат риски деганда фирманинг ташкилий, техник, ишлаб чиқариш ва инновацион салоҳиятидан фойдаланиш натижасида исталган самарани қўлга кирита олмаслик эҳтимоли тушунилади.

1-расм. Инновацион рискларнинг таснифланиши¹



¹ Муаллиф томонидан иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида тузилди.

Венчур капиталли фирмалар ўз фаолияти давомида инвестицияларнинг ҳаётийлиги босқичларига мос келадиган маълум босқичларни босиб ўтади. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида муайян муаммолар мавжуд бўлиб, шунга мос равишда ўзига хос баҳолаш ва ечимларни талаб қиласидиган рисклар мавжуд бўлади.

1-жадвал.

Венчур инновацион рискларнинг таснифланиши

| <i>Фирма ҳаётийлиги босқичи</i> | <i>Риск турлари</i> | <i>Рискни вужудга келтирувчи омиллар</i> |
|---|---|---|
| Seed – ишлаб чикиш (яратиш) босқичи | Тадқиқот риски | Тадқиқотчилар ва синовчилар хатоси |
| | Инвестицион риск | Якуний (молиявий) натижанинг ноаниклиги, кўзда тутилмаган харажатлар |
| | Селектив риск | Эксперт ва башорат қилувчининг хатоси |
| | Умумиқтисодий, Фискал-монетар рисклар | Давлат бошқарувининг самарасизлиги |
| | Молиявий риск | Инфляциянинг башорат қилиб бўлмайдиган суръатларда ўсиб кетиши, инновацион лойиха ҳамкорларининг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви |
| | Маркетинг риски | Рақобатчилар хатти-ҳаракатини, уларнинг салоҳиятини баҳолашда, бозор салоҳиятини баҳолашда хатолар |
| | Лойиха рисклари | Бизнесни лойихалаштиришда хатолар |
| Start-up – бошлангич босқич | Технологик рисклар | Кўзда тутилмаган технологик қийинчиликлар, дастлабки ресурслар ва қўшимча қисмлар сифатининг тушиб кетиши |
| | Маркетинг риски | Ресурслар бозори конъюктурасининг ўзгариши |
| | Молиявий риск | Бозордаги фоиз ставкаларнинг ўзгариши, кредит ва ссуда қийматининг ўзгариши, башорат қилиб бўлмайдиган молиявий қийинчиликлар |
| | Инвестицион риск | Қимматли қоғозлар котировкасининг ўзгариши |
| Early stage – эрта кенгайиш босқичи | Рақобат риски | Инновациялар рақобатбардошлигини, уларнинг рақобат афзаллигини нотўри баҳолаш |
| | Тижорат риски | Трансакция харажатларини ҳисоблашда хатолар |
| | Маркетинг риски | Инновациялар бозори конъюктурасининг ўзгариши |
| | Ҳамкорлик риски | Ҳамкорлар билан муносабатнинг ўзгариши |
| | Инвестицион риск | Қимматли қоғозлар котировкасининг ўзгариши |
| | Молиявий риск | Инфляциянинг башорат қилиб бўлмайдиган суръатларда ўсиб кетиши |
| Expansion – ўсиш босқичи | Маркетинг риски | Бозорда инновацияларнинг ўсиш суръатини ҳисоблашда хатолар |
| | Лойиха риски | Бизнесни лойихалаштиришда хатолар |
| | Истеъмол риски | Истеъмолчининг талабида ва унинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар |
| | Инвестицион риск | Қимматли қоғозлар котировкасининг ўзгариши |

| | | |
|-------------------------------------|----------------------|--|
| Mezzanine – тайёргарлик босқичи | Тадқиқот риски | Инновацияларни илмий ва инженерлик томонидан қайта кўриб чиқиш |
| | Иқтисодий риск | Инновацияларнинг маънавий эскириши, бозорда монопол ҳолатни эрта йўкотиш |
| | Тижорат риски | Кўзда тутилмаган харажатлар |
| Liquidity stage – ликвидлик босқичи | Иқтисодий риск | Инновацияларнинг маънавий эскириши ва унинг ҳаётийлик босқичларининг қисқариши |
| | Меъёрий-хуқуқий риск | Ҳамкорлик фаолиятига оид меъёрий-хуқуқий асосларнинг кўзда тутилмаган ҳолатда ўзгариши |
| | Истеъмол риски | Истеъмолчининг талабида ва унинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар |
| | Инвестицион риск | Қимматли қоғозлар котировкасининг ўзгариши |

1-жадвалда фирманинг ҳаётийлиги босқичларига мос равища венчур инновацион рискларнинг таснифи келтирилган. Ушбу тасниф венчурли молиялаштиришнинг барча босқичларида мавжуд бўлган ҳар хил инновацион рискларни тавсифлайди. Шу сабабли, компания ҳаётийлигининг ҳар бир босқичида инновацион рискларни комплекс бошқариш муаммоси айниқса долзарб бўлиб қолади.

Инновацион фаолиятдаги рискларни бошқариш бир неча босқичлардан иборат:

1) Ноаниқликни таҳлил қилиш – инновацион венчур инвестицияларни амалга ошириш баҳоланади, бунда венчур лойиҳанинг барча босқичларида маълумотларнинг етарли ёки етарли эмаслигига, маълумотларнинг тўлиқлигига эътибор берилади ва таҳлил қилинади ҳамда рисклар таҳдидларини кўпайиш имкониятлари аниқланади;

2) Рискларни аниқлаш (идентификациялаш) ва таснифлаш (турларга ажратиш) – венчур капитални шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларида рискли ҳодисаларни вужудга келиш сабаблари аниқланади, рискларни пайдо бўлиш, кўпайиш шартларининг миқдорий ва сифат тавсифларини шакллантирилади, рисклар таснифи ишлаб чиқилади;

3) Рискларни таҳлил қилиш ва миқдорий баҳолаш, қўшимча маълумотлар асосида венчур лойиҳасининг индикаторлари ва умумий инновацион рискларнинг математик модели аниқланади. Инновацион рискларни миқдорий баҳолаш қўйидаги усувлар ёрдамида амалга оширилади:

- Лойиҳа сезгирлиги таҳлили;
- Сценарийлар усули;
- “Қарорлар дарахти”ни барпо этиш усули;
- “Зарасизлик нуқтаси”ни аниқлаш усули;
- Субъектив эҳтимоллар усули;

– Бошланғич венчур инвестицияларни қопланишини (қайтарилишини) баҳолаш усули;

– Ўхшашлик (аналогиялар) усули;

– Монте-Карло усули ёрдамида тақлидий (ўхшатиб) моделлаштириш.

4) Инновацион рискларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиши – аввалги босқичларда олинган материаллар асосида венчур фирма учун мақбул бўлган инновацион рисклар даражасини мақбул чегарага тушириш йўллари ва уларни бошқариш усуллари ишлаб чиқилади;

5) Инновацион жараённи, венчур босқичларини мониторинг қилинади (кузатилади) ҳамда рискларни бошқариш, олдини олиш ва риск оқибатларини бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, венчурли молиялаштиришнинг инновацион рискларини бошқариш деганда, венчур капитални шакллантириш ва уни инновацион тадбиркорликда фойдаланишда кўпинча тасодифий ва башорат қилиб бўлмайдиган (олдиндан айтиб бўлмайдиган) рискли ҳодисаларни аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш ва назорат қилишга қаратилган таҳлилий, ташкилий, иқтисодий ва молиявий тадбирлар мажмуасини тушуниш мумкин. Юқори рискли инновацион рискларни бошқаришнинг асосий мақсади – венчурли молиялаштиришда режалаштирилган ишларда узилишлар ва оғишларни олдини олиш ҳамда кўзланган самарага эришиш мақсадида рискларни самарали бошқаришдир.

Венчурли молиялаштириш амалиётида юқорида кўрсатиб ўтилган рискларни миқдорий баҳолашнинг барча усуллари ҳар доим ҳам тўлиқ қўлланилмайди (кўпи билан 3 ёки 4 усулдан фойдаланилади). Бунинг сабаби, лойиҳа менежерлари, таҳлилчиларнинг тажрибаси, малакасининг юқори эмаслигидар. Турли компанииялар, венчур капитал фондлар ва корпорацияларда инновацион рискларни бошқариш инновацион менежментнинг ягона механизми доирасида риск-менежерлар томонидан тажрибали таҳлилчилар ва эксперталар томонидан амалга оширилиши керак.

Замонавий иқтисодий шароитларда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда венчурли молиялаштиришни амалиётга кенг жорий этиш лозим. Венчурли молиялаштиришнинг инновацион рискларини самарали бошқариш, яъни уларни пасайтириш, олдини олиш ва бартараф этишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бу венчур молиялаштиришнинг рентабеллигини ва венчур капитал фаолиятида иштирок этишнинг жозибадорлигини оширишга сезиларли таъсир этади.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References:

1. Анышин В.М. Менеджмент инвестиций и инноваций в малом и венчурном бизнесе / В.М.Анышин, С.А.Филин. – М.: Анкил, 2003. – 359 с.
2. Гончаренко Л.П. Риск-менеджмент / Л.П. Гончаренко, С.А.Филин. – 3-е изд., стер. – М.: КноРус, 2010. – 215 с.
3. Грачева Н.В., Кулагин А.С., Симаранов С.Ю. Инновационное предпринимательство, его риски и обеспечение безопасности: пособие для предпринимателя. М.: АНХ. 2000. С.101.
4. Фоломъёв А.Н. Энциклопедический экономический словарь. Современная рыночная экономика. Государственное регулирование экономических процессов / под. ред. В.П.Чичканова. М.: РАГС, 2004. С. 207.
5. Филин С. Неопределенность и риск. Место инновационного риска в классификации рисков // Управление риском. 2000. №4. С.30.

Иқтисодиёт фанлари

**ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ
АНИҚЛАШДА ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКСНИНГ ЎРНИ**

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна

ТМИ, “Баҳолашиши ва инвестигациялар” кафедраси катта ўқитувчиси

**РОЛЬ ГЛОБАЛЬНОГО ИННОВАЦИОННОГО ИНДЕКСА В
ОПРЕДЕЛЕНИИ УРОВНЯ РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА**

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна

Старший преподаватель кафедры, «Оценочное дело и инвестиции» ТФИ

**THE ROLE OF THE GLOBAL INNOVATION INDEX IN DETERMINING
THE LEVEL OF DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL**

Asamxodjaeva Shoira

Senior teacher, Tashkent Institute of Finance

Иқтибос келтириш учун / For citation / Для цитирования:

Асамходжаева Ш.Ш. Инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда глобал инновацион индекснинг ўрни // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2021. – № 1 (3). – Б. 12–18. <https://doi.org/10.47390/10.47390/A1342132021N2>

Аннотация: Мақолада инсон капиталининг моҳияти ҳамда унинг ривожланганлик даражасини аниқлашда Глобал Инновацион Индекснинг ўрни тадқиқ қилинган. Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексдаги ўрни ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инсон капитали, инновация, инвестиция, инновация ресурслари, инновация натижалари, институционал ривожланиши, илмий тадқиқотлар, инфратузилма.

Аннотация: В статье исследуется сущности человеческого капитала и роль глобального инновационного индекса в определении уровня его развития. Место Узбекистана в Глобальном инновационном индексе изучено и проанализировано.

Ключевые слова: человеческий капитал, инновации, инвестиции, инновационные ресурсы, результаты инноваций, институциональное развитие, научные исследования, инфраструктура.

Abstract: The article examines the essence of human capital and the role of the global innovation index in determining the level of its development. The place of Uzbekistan in the Global Innovation Index has been studied and analysed.

Key words: human capital, innovation, investment, innovative resources, innovation results, institutions, research, infrastructure.

DOI: 10.47390/A1342132021N2

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган. Республикаизда иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш билан бирга, юқори билим салоҳиятига эга кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг сифат таркибини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради” [1]. Шу сабабли “инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт” [2].

Хўш, инсон капитали деганда нимани тушуниш керак? Бу борада айрим олимларнинг фикрига тўхталиб ўтсак. Масалан, таниқли иқтисодчи олим С.Фишер бошлигидаги олимлар гурухи “Инсон капитали бу — одамнинг фойда келтириш қобилиятининг ўлчови. Бунга унинг тугма қобилияtlари, билимлари ва касбий малакалари киради” [3; Б.21] дея таъкидлаган бўлса, маҳаллий олимларимиз А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар “Инсон капитали – бу кишиларнинг ҳаётий неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроқи ва куч-қувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади”, деган фикрни билдиришган. Демак, инсонга даромад олиб келадиган қобилияtlари йиғиндисини инсон капитали сифатида таърифлаш мумкин.


Америкалик иқтисодчи олим Ж.Минсер ўз илмий ишланмаларида инсон капиталига киритилган инвестицияларни баҳолаган [4; Б.281-302]. Унинг фикрича, инсонлар даромадининг бир хилда эмаслиги инсон капиталига қилинган инвестицияларга боғлиқ, бунда инвестиция жараёни эркин танловга асосланади. Инсонлар даромадининг табақаланиши таълим, ёш ва касб каби омилларга боғлиқ.

Дунё миқёсида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда бир қатор индекслардан фойдаланилади. Масалан, “Инсон камолоти индекси”, “Глобал инновацион индекс”, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси” шулар жумласидандир. Инсон камолоти индексида кутилаётган умр давомийлиги, таълим, аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад каби омиллар

орқали дунё мамлакатлари ўртасида рейтинг аниқланади. Глобал рақобатбардошлик индексида халқаро статистика ва йирик компания раҳбарлари орасида сўров ўтказишдан фойдаланган ҳолда рейтингни белгилаш доирасида: институтлар сифати, инфратузилма, макроиқтисодий барқарорлик, саломатлик ва бошланғич таълим, олий таълим ва касбий тайёргарлик, товар ва хизматлар бозори самарадорлиги, меҳнат бозори самарадорлиги, молия бозорининг ривожланиши, технологик ривожланиш даражаси, ички бозор ҳажми, компаниялар рақобатбардошлиги, инновацион салоҳият сингари кўрсаткичлар баҳоланади. Ушбу мақола орқали инсон капитали билан “Глобал инновацион индекс”нинг боғлиқлигига тўхталиб ўтсак.

Глобал Инновацион Индекс (ГИИ) Корнелл университети, ИНСЕАД ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган агентлиги бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан нашр этилади. “2020 йилда ГИИ Инновацияларни ким молиялаштиради?” мавзусига бағишлиланган ўзининг 13-нашрини тақдим этади. Инновация иқтисодий ривожланишнинг асосий омили эканлигини англаган ҳолда, ГИИ 130 га яқин иқтисодиётга тегишли инновацион рейтинг ва бой таҳлилларни тақдим этишини мақсад қилган. Сўнгги ўн йил ичида ГИИ ўзини инновациялар бўйича етакчи маълумотнома ва ГИИни ўзларининг инновацион кун тартибига киритадиган иқтисодиётлар учун “ҳаракат воситаси” сифатида намоён этди.

Глобал Инновацион Индекс - бу жаҳон иқтисодиётининг инновацион имкониятлари ва натижаларининг рейтингидир. Бу институционал ривожланиш, инсон капитали ва илмий тадқиқотлар, инфратузилма, кредит, сармоялар, алоқалар; билимларни яратиш, сингдириш ва тарқатиш; ва ижодий натижаларни ўз ичига олган мезонларга асосланган ҳолда инновацияларни ўлчайди. ГИИ иккита субиндексга эга: Инновацияларга кириш субиндекси ва инновациялар натижаларига оид субиндекс. Мазкур субиндексларга еттига омил орқали баҳо берилади, бу омилларнинг ҳар бири учтадан асосий кўрсаткич ва бир қатор ёрдамчи кўрсаткичларни ўз ичига олади. Умумий қилиб олганда, жами 80та кўрсаткич орқали индекс аниқланади.



Расм. Глобал Инновацион Индекснинг субиндекслари ва омиллари

Демак, Глобал Инновацион Индекс иккита субиндексдан иборат бўлиб, бири инновациялар учун ресурслар, иккинчиси инновация натижаларини ўзида жамлайди. Бунда инсон капитали инновацияларни ривожлантирувчи ресурс сифатида ҳам, инсон билимининг ва ҳаракатининг самаралари эса инновациядан олинадиган натижаларда ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, якуний индексда харажат ва натижалар ўртасидаги ўзаро нисбат келиб чиқади, бу ўз навбатида у ёки бу мамлакатда инновацияларнинг, шу жумладан инсон капиталининг ривожланишига сарфланган харажатларнинг самарасини объектив баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон мазкур индексда 2015 йилдан бери маълумотлар етарли бўлмаганлиги сабабли баҳоланмаётган эди. 2020 йилда эълон қилинган индексда мамлакатимиз 93 ўринни эгаллади. Буни қуйидаги жадвал орқали қўришимиз мумкин.

Жадвал.

Глобал Инновацион Индексда Ўзбекистоннинг ўрни

| № | Омиллар | 2015 йил | | 2020 йил | | Рейтингдаги ўзгариш |
|----|--------------------------|----------|---------|----------|---------|---------------------|
| | | балл | рейтинг | балл | рейтинг | |
| 1. | Институционал ривожланиш | 49,0 | 106 | 55,1 | 95 | +11 |

| | | | | | | |
|----|---|-------------|------------|--------------|-----------|------------|
| 2. | Инсон капитали ва илмий тадқиқотлар | 27,0 | 76 | 27,5 | 77 | -1 |
| 3. | Инфратузилма | 29,0 | 101 | 38,5 | 72 | +29 |
| 4. | Бозорни ривожлантириш | 44,4 | 85 | 54,9 | 27 | +58 |
| 5. | Бизнесни ривожлантириш | 20,0 | 138 | 15,2 | 127 | +11 |
| 6. | Билимлар ва технологиялар натижадорлиги | 27,2 | 61 | 14,1 | 90 | -29 |
| 7. | Ижодий натижадорлик | 8,5 | 138 | 7,5 | 127 | +11 |
| | Умумий рейтингдаги ўрни | 25,9 | 122 | 24,54 | 93 | +29 |

Манба: www.globalinnovationindeks.org

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Глобал Инновацион Индексда Ўзбекистон 2020 йилда 131та давлат ичида 93-ўринни эгаллади. Бу 2015 йилдаги рейтингга нисбатан 29 ўринга кўтарилигини кўрсатмоқда. Бунга салбий таъсир кўрсатган омиллар сифатида инсон капитали ва илмий тадқиқотлар ҳамда билимлар ва технологиялар натижадорлигини кўришимиз мумкин.

Жадвал

Глобал Инновацион Индексда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ўрни (2020 йил)

| Давлат | Рейтинг | Индекс |
|-------------|---------|--------|
| Украина | 45 | 36,32 |
| Россия | 47 | 35,63 |
| Молдава | 59 | 32,98 |
| Арманистон | 61 | 32,64 |
| Грузия | 63 | 31,78 |
| Беларус | 64 | 31,27 |
| Қозоғистон | 77 | 28,56 |
| Озарбайжон | 82 | 27,23 |
| Ўзбекистон | 93 | 24,54 |
| Кирғизистон | 94 | 24,51 |

| | | |
|--------------|-----|-------|
| Тожикистон | 109 | 22,23 |
| Туркманистон | - | - |

Одатда, мамлакатларни жаҳондаги машҳур индекслардаги ўрни таҳлил қилинганда, уларни ўзи билан ривожланиши тенг бўлган давлатлар билан солиштирган мақсадга мувофиқ. Шу боис Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан солиштирганда, ушбу индексда Ўзбекистоннинг ўрни у қадар яхши эмаслигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг мазкур индексдаги кучли ва заиф томонлари билан қуйидаги жадвал орқали танишишимиз мумкин.

Жадвал.

Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексдаги кучли ва заиф томонлари

| Кучли томонлари | | Заиф томонлари | |
|--|----------|---|----------|
| Кўрсаткич номи | Рейтинги | Кўрсаткич номи | Рейтинги |
| Бизнес бошлашнинг осонлиги | 8 | Норматив сифат | 127 |
| Таълим харажатлари, ЯИМга нисбатан фоизда | 31 | Қонун устуворлиги | 124 |
| Ўқувчилар ва ўқитувчилар нисбати, иккинчи даражали | 38 | Энг яхши глобал илмий-тадқиқот компаниялари | 42 |
| Фан ва муҳандислик бўйича битирувчилар, % | 7 | Энг яхши университетлар | 77 |
| Хукуматнинг онлайн хизмати | 48 | Микромолиялаштиришнинг ялпи кредитлари, ЯИМга нисбатан фоиз | 79 |
| Умумий инфратузилма | 41 | Илмий-тадқиқот ишланмаларининг хориждан молиялаштирилиши, % | 96 |
| Ялпи капиталнинг шаклланиши, ЯИМга нисбатан фоиз | 8 | АКТ хизматлари импорти, умумий савдо % | 130 |

| | | | |
|---|----|--|-----|
| Бозорнинг ривожланганлиги | 27 | Билимларнинг тарқалиши | 131 |
| Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги | 36 | АКТ хизматлари экспорти, умумий савдо% | 129 |
| Патент келиб чиқиши бўйича | 45 | Ижодий натижалар | 127 |
| Билимга таъсир | 49 | Онлайн ижодкорлик | 126 |
| Харид қобилияти паритети ўсиш суръати \$ ЯИМ / ишчи,% | 12 | Умумий юқори даражадаги доменлар (ТЛД) / поп. 15-69 | 131 |
| Маданий ва ижодий хизматлар экспорти, умумий савдодаги улуши % | 33 | Мобил иловаларни яратиш | 98 |

Демак, Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун унинг индексда паст рейтингга эга бўлган жигатларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан инсон капиталига инвестицияларни ошириш орқали инновация ресурсларининг сифатини ошириш, сўнгра улардан келадиган самарани ўсишига умид қилиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. (www.prezident.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 й. (www.prezident.uz)
3. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002. - С. 303
4. Mincer J. Investment in human capital and personal income distribution. The journal political economy. 281-302 p.
5. www.globalinnovationindeks.org.

Сиёсий фанлар

КРЕАТИВ ВА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мансур Юнусов, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси

СУЩНОСТЬ И ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ ТВОРЧЕСКОГО И КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Мансур Юнусов, доктор философских наук

Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

ESSENCE AND BASIC PRINCIPLES OF CREATIVE AND CRITICAL THINKING

Mansur Yunusov, Doctor of Philosophy

The Academy of Public Administration under the President of the Republic of
Uzbekistan

Иқтибос келтириши учун / For citation / Для цитирования:

Юнусов М. Креатив ва танқидий фикрлашнинг мазмун-моҳияти ва асосий тамойиллари // Ижтимоий-
гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2021. – № 1(3). – Б. 19–25.
<https://doi.org/10.47390/A1342132021N3>

Аннотация:Мазкур мақолада креатив ва танқидий фикрлаш ҳамда уни ҳаётга тадбиқ
этиси, ҳар бир раҳбар, ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўз мақсадларига эришиши учун ўзини-
ўзи танқидий баҳолаб туриши, таҳлиллар натижасида янгина ёндашиши ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар:Креатив, фаоллик, идрок, ақлий ҳужум, ижодий фикрлаш, мотивация,
цензура, танқидий, маъмурий.

Аннотации: В данной статье рассматриваются творческое и критическое мышление и его реализация, самокритичная оценка каждого лидера, каждого человека для достижения своих целей на протяжении всей жизни, новый подход в результате анализа.

Ключевые слова: Творчество, активность, восприятие, ментальная атака, творческое мышление, мотивация, цензура, критическое, административное.

Annotations: This article examines creative and critical thinking and its implementation, self-critical assessment of each leader, each person to achieve their goals throughout life, a new approach as a result of analysis.

Keywords: Creative, active, perceptive, mental attack, creative thinking, motivation, censorship, critical, administrative.

DOI: 10.47390/A1342132021N3

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишида қуйидаги асослардан келиб чиқилади. (*Creative and critical thinking*) Танқидий фикрлаш нима? «Фикрлаш – ўқиши, ёзиши, сўзлаш ва эшишишга ўхшаш жараён». У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, унда ўзида бирор ҳақиқат түғрисидаги фикрларни қамраб олади. Фикрлаш контекстдан ташқарида ҳосил қилинадиган



кўнишка эмас. Танқидий фикрлаш таълими дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироқлашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ҳам эмас. Риҳер таъбири бўйича ўрганиш ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультмедиа маданияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади. Танқидий фикрлаш ва ўрганиш ғоя ва тажрибаларнинг турли туманлигини раҳбар кадрлар тушунган ва қадрлаган вақтдагина амалга ошади. Танқидий фикрлаш «яккаю ягона тўғри жавоб»ни қабул қиласидаги менталитет жараёнида юз бермайди. Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Ҳар бир инсонни креатив фикрлаш ва танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш, танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим. Шу муносабат билан талабалар ўзига ишончни орттириш ва ўз фикри ҳамда ғояларининг қадрини

тушуниш, ўз ҳукмларини шакллантиришга ҳамда ундан қайтишга тайёр туриши лозим. Танқидий фикрлаш вақт талаб қиласиди. Америкалик драматурлардан Пирсон, Хансен ва Гордонлар таъкидлашадики, ўз фикларини ижод қилиш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни



археологик жиҳатдан тадқиқ қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш, ўзаро танқидий фикрлар алмашиш, ўз ғояларини ифодалай олиш ва конструктив таклифларга жавоб ола билиш, фикрларни муайян ғоялар қиёфасида, қулай мухитда амалга ошира олиш ва ўз ғояларини тўла ва аниқ ифодалай олишдир.

Танқидий фикрлашга изн фикрлаш учун чинакам мақсад бўлган ва дўстона ҳамда самарали шароитда берилади. Ранг-баранглик – ҳар бир раҳбар кадрларда фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади. Ранг-баранг фикр ва ғоялар яккаю-ягона жавоб мавжудлиги ҳақидаги тасаввур бартараф қилинган чоғдагина юзага келади.

Фаоллик - танқидий фикрлаш раҳбар кадрларнинг фаоллиги билан бевосита боғланган. Фикрлаш жараёнида «ахмоқона ғоялар» ақл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Танқидий фикрлашни таъминловчи саволлар - танқидий фикрлаш жараёнида ахборотни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларини таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта тузиб чиқишга қаратилган саволлардан фойдаланилади. Ахборотларни бир шаклдан иккинчи шаклга кўчириш ҳар бир инсондан транформация қилишни талаб қиласди. Вогн ва Эстес тушунишнинг ўзигина изоҳлашдир, деб ҳисоблайдилар.

Синтез қилишга қаратилган саволлар янгича фикрлаш асосида ижодий муаммоларни ҳал қилишга даъват этади. Синтез саволлари раҳбар кадрларга ўзининг барча билим ва тажрибаларини муаммонинг ижодий ечилишида фойдаланишга имкон беради. Баҳолаш саволлари яхши ва ёмон, адолатли ва адолализлик тўғрисида хукм чиқариш учун берилади. Баҳолаш саволлари раҳбар кадрларнинг ахборотлар сифатини, янги ахборотларга нисбатан ўз муносабатини баҳолай олиши, уларни қадрлай олиши учун берилади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш муаллифлари фикрлаш жараёнини ташкил этишда идрок қилишнинг тўртта типини фарқлайдилар: **яхлитлигича идрок этиши, изоҳли идрок этиши, шахсий идрок этиши, танқидий идрок этиши.**

Амалиётда синквэйн: (ўз позициясини ифодалаш) мураккаб ахборотни синтезлаш қуроли; талабалар тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси; ижодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир. Синквэйн тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор, айни замонда қудратли қурол ҳисобланади.




Who – ким?, When – қачон?, What – нима?, Where – қаерда?, Why – нима учун?, How – қандай? саволларга жавоб берадиган саволларни ўзида мужассам қилган креатив ва танқидий фикрлашда ўз ечимини топиш учун асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

Креатив фикрлаш - бу муаммонинг янги ёки такомиллаштирилган ечимини топишга олиб келадиган фикрлаш. Танқидий фикрлаш, уларни қўллаш имкониятларини аниқлаш учун таклиф қилинган ечимларни синовдан ўтказмоқда. Креатив фикрлаш янги ғояларни яратишга, танқидий фикрлаш эса уларнинг камчиликларини аниқлашга қаратилган. Муаммони самарали ҳал қилиш учун ҳам ижодий, ҳам танқидий фикрлаш керак.

Креатив фикрлашни ўрганиш учун сиз ўз фикрларингизга эркинлик беришингиз ва уларни маълум бир канал бўйлаб йўналтиришга уринмаслигингиз керак. Инсон бошига нима тушса ҳам, бемаъни туюлса ҳам айтиши мумкин. Муаммони гурухли ечишда ишлатиладиган креатив фикрлаш ақлий ҳужум деб аталади.

Ақлий ҳужум кўпинча турли маъмурий вазифалар учун ишлатилади. Бир гурух одамлар маълум бир мавзу бўйича эркин мулоқот қилиш учун тўпланишади. Ҳар бир иштирокчи унинг хаёлига келган нарсани айтади. Танқид қилиш қатъян ман этилади. Ақлий ҳужумнинг мақсади - янги ғояларнинг максимал сонини олишdir, чунки улар қанчалик кўп бўлса, уларнинг баъзилари ҳақиқатан ҳам муваффақиятли бўлади. Мия ҳужуми охирида ғоялар ёзилиб, кейин танқид қилинади, одатда бошқа бир гурух одамлар томонидан. Ҳақиқатан ҳам самарали ва фойдали ечимларни таъкидлаш учун ижодий фикрлаш танқидий фикрлаш билан тўлдирилиши керак. Ижодий ғояларни танлаш учун, аввало, ушбу ғояларни холисона баҳолай олиш керак. Шунингдек, янги ғояларни жорий этишнинг амалий имкониятларини белгилайдиган мезонларни ёки чекловларни кўриб чиқиш жуда муҳимdir.

Танқидий фикрлашни танқидий муносабатдан фарқлаш керак. Танқидий фикрлаш баъзи ғояларни тақиқлайди, чунки унинг якуний мақсади



концруктивдир. Танқидий муносабат табиатан бузғунчи ва когнитив характерга қараганда кўпроқ ҳиссиётга эга. Танқидий фикрлашга тўсқинлик қиладиган нарсаларга ҳаддан ташқари тажовузкор бўлиб кўринишдан қўрқиши, қасос олишдан қўрқиши ва ўз ғояларини ортиқча баҳолаш киради.


Шуни таъкидлаш керакки, ижодий тасаввурни ҳаддан ташқари рағбатлантириш билан танқидий фикрлаш ривожланмаган бўлиб қолиши

мумкин. Аксарият одамлар ижодий ва танқидий фикрлашнинг ақлли аралашмасига муҳтож.

Креатив фикрлаш - бу фикрлаш, унинг натижаси маълум бир муаммонинг тубдан янги ёки такомиллаштирилган ечимини топишдир.

Танқидий фикрлаш - бу таклиф қилинадиган ечимларни уларни қўллаш доирасини аниқлаш учун синовдан ўтказиш. Креатив фикрлаш янги гояларни яратишга қаратилган бўлиб, танқидий фикрлаш уларнинг камчиликлари ва камчиликларини аниқлайди.

Муаммони самарали ҳал қилиш учун ҳар иккала фикрлаш тури талаб қилинади, гарчи улар алоҳида ишлатилса: ижодий фикрлаш танқидга тўсқинлик қиласи ва аксинча.



Ақлий ҳужум: Агар сиз креатив фикрлашни истасангиз, ўзингизнинг фикрларингизга тўлиқ эркинлик беришни ўрганишингиз ва уларни маълум бир йўналишга йўналтиришга уринмаслигингиз керак. Бунга эркин ассоциация дейилади. Эркин ассоциация дастлаб психотерапияда қўлланилган, энди у гурух муаммоларини ҳал қилишда ҳам фойдаланилади ва бу мия ҳужуми деб аталади.

Ақлий ҳужум турли хил саноат, маъмурий ва бошқа вазифаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади. Жараён оддий. Бир гурух одамлар берилган мавзу бўйича эркин мулоқот қилиш учун йиғилишади: ёзишмаларни саралашни тезлаштириш, янги марказ қуриш учун қандай пул олиш ёки кўпроқ ўрик сотиш. Ҳар бир иштирокчи унинг хаёлига келган ҳамма нарсани таклиф қиласи ва баъзида муаммога аҳамиятли бўлиб туюлмайди. Танқид қилиш тақиқланган. Мақсад иложи борича кўпроқ янги гояларни олишдир, чунки қанча кўп гоялар таклиф қилинса, ҳақиқатан ҳам яхши гоялар пайдо бўлиши учун кўпроқ имконият пайдо бўлади. Гоялар дикқат билан ёзиб олинади ва мия ҳужуми охирида, одатда, бошқа одамлар гурухи томонидан танқидий баҳоланади.

Ўртача қобилиятли одам ёлғиз ишлашга қараганда гурухда ишлашда деярли икки баравар кўп ечим топиши мумкинлиги аниқланди. Гурухда у жуда кўп турли хил қарорлар таъсирида бўлади, бир кишининг фикри бошқасини қўзғатиши мумкин ва ҳоказо. Шу билан бирга, тажрибалар шуни кўрсатадики, индивидуал ва гурухий фикрлаш даврларининг оптимал алмашинуви натижасида энг яхши натижаларга эришилади. Ушбу танлов танқидий ва душманона муносабатларни келтириб чиқармагунча, бу ижодий жараённинг кучайишига ҳисса қўшади, чунки ҳар бир иштирокчи янги таклифларни илгари суришда бир-биридан устун



туришга ҳаракат қилади. Гоялар сони ортиши билан уларнинг сифати ошади. Таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш бошқа одамлар томонидан амалга оширилиши психологик жиҳатдан тўғри, чунки одатда ўз ижодидаги камчиликлар катта қийинчилик билан сезилади.

Ижодий фикрлашга тўсиқлар – бошқаларга ўхшаш бўлиш истаги – креатив фикрлашнинг асосий тўсиғи. Бирор киши қулгили ёки жуда ақлли кўринишдан қўрқиб, ғайриоддий ғояларни ифода этишдан қўрқади. Цензурани, айниқса ички цензурани – креативликнинг иккинчи асосий тўсиғи.



Гояларни ташқи цензурасининг натижалари жуда драматик бўлиши мумкин, аммо ички цензура ташқи кўринишга қараганда анча кучли. Ўз ғояларидан қўрқадиган одамлар атрофдагиларга пассив муносабатда бўлишади ва юзага келадиган муаммоларни ижодий ҳал қилишга уринишмайди. Суперего - Фрейд бу ички цензура деб атаган.

Креатив фикрлашнинг учинчи тўсиғи – бу қатъийлик. Креатив фикрлашга тўсқинлик қиладиган тўртинчи тўсиқ дарҳол жавоб топишга интилиш бўлиши мумкин. Ҳаддан ташқари юқори туртки кўпинча ўйланмаган, етарли бўлмаган қарорларни қабул қилишга ёрдам беради. Одамлар кундалик ташвишлар билан боғланмаганларида ижодий фикрлашда катта ютуқларга эришадилар. Шу сабабли, йиллик таътилларнинг қиймати шунчалик кўп эмаски, дам олиш пайтида одам яхши ишлайди, балки таътил пайтида янги ғоялар пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

Америкалик психологлар Г. Линдсай ва К. Томпсон томонидан белгилаб қўйилган креатив фикрлаш муайян муаммонинг тубдан янги ёки такомиллаштирилган ечимини топишга қаратилган. Ижодий фикрлаш янги ғояларни яратишга қаратилган, шунинг учун инсон ўз фикрларига тўлиқ эркинлик беришни ўрганиши ва уларни маълум бир канал бўйлаб йўналтиришга уринмаслиги керак. Жасоратли қарорлар қабул қилинг. Агар сиз ҳаддан ошиб кетсангиз, орқага қайтиш стандарт ғояни илгари суришга рози бўлишдан қўра осонроқ бўлади. Оскар Уайлд айтганидек, хавфсиз ғояни умуман ғоя деб аташ мумкин эмас;

– ички ва ташқи цензура: агар одамлар ўзларининг ғояларидан қўрқса, улар атрофдагиларга пассив муносабатда бўлишга мойилдир ва ҳатто пайдо бўлган муаммоларни ижодий ҳал қилишга уринмайди;

– қатъийлик - ҳаракатчанликнинг йўқлиги, ўзгарувчанлик, атроф-муҳитнинг ўзгарувчан талабларига нисбатан фикрлашнинг мослашувчанлиги;

– дархол жавоб топишни ицаш ҳам муҳим тўсиқдир. Ҳаддан ташқари юқори мотивация кўпинча ўйланмаган, етарли бўлмаган қарорларни қабул қилишга ёрдам беради, бу эса ижодкорликни ривожлантиришнинг тормозига айланади;

– танқидий фикрлашнинг етишмаслиги, ўз ижодининг самараларини холисона баҳолай олмаслик.

Бу тўсиқларни россиялик олим А.Антонов жамоатчилик эҳтиёжларини қондирмайдиган, ўз-ўзини шубҳа остига қўядиган (гипер-мураккаб), функционал фикрловчи, семантик (ифодаловчи) тўсиқлар деб атаган.

Мотивациянинг етарли эмаслиги каби омил ҳар қандай инсоннинг иш фаолиятини сезиларли даражада пасайтиради. Эҳтимол, ҳеч ким ғояларни излаш жараёнида психологик тўсиқлардан бутунлай қочиб кутула олмайди. Аммо



уларга қарши курашиш мумкин. Ўзининг креативлик тўсиқларини билиш уларни фикр эркинлиги учун кураш учун аллақачон қуроллантиради. Фикрлаш эркинлиги унинг ижодий ва конструктив фаолиятига йўналтирилган танқидий йўналишини назарда тутади. Шунинг учун эркин инсон тафаккурининг сифат характеристикаси танқидий фикрлашдир.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References

1. Peter Hollins. Mental Models. 30 Thinking Tools that Separate the Average From the Exceptional. Improved Decision-Making, Logical Analysis, and Problem-Solving. Peter Hollins 2019.
2. Carol S. Dweck. Mindset. Changing the way you think to fulfill your potential. An imprint o f Little, Brown Book Group Carmelite House 50 Victoria Embankment London EC4Y ODZ, 2017.
3. Жуманова С.Б. Креатив фикрлаш. — «Издательские решения», 2020. ISBN 978-5-00-511636-9.
4. Критическое мышление: Анализируй, сомневайся, формируй свое мнение/Том Чатфилд ; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблишер, 2019. - 328 с.
5. Andrew Pressman. Design thinking a guide to creative problem solving for everyone. Routledge 2 Park Square, Milton Park, Abingdon, Oxon 0X14 4RN, 2019.
6. Adair John. Decision making and problem solving strategies. 2nd. ed. Printed and bound in India by Replika Press Pvt Ltd, 2010.

Сиёсий фанлар

**БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯСИ РАҲБАР ФАОЛИЯТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА**

Атамуратов Мурат Утепбергенович

И.Каримов номидаги ТДТУ проректори, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**КОМПЕТЕНТНОСТЬ УПРАВЛЕНИЯ КАК ФАКТОР,
ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЙ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
МЕНЕДЖЕРА**

Атамуратов Мурат Утепбергенович

Проректор ТГТУ им.И.Каримова, доктор философии (PhD) по политическим наукам, доцент

**MANAGEMENT COMPETENCE AS A FACTOR PROVIDING THE
EFFICIENCY OF MANAGER'S ACTIVITY**

Atamuratov Murat Utepbergenovich

The Doctor of Philosophy in Political Science (PhD), Associate Professor, Prorector of Tashkent State Technical University after named I. Karimov

Иқтибос келтириши учун / For citation / Для цитирования:

Атамуратов М.У. Бошқарув компетенцияси раҳбар фаолияти самарадорлигини таъминловчи омил сифатида // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2021. – № 1 (3). – Б. 26–34.
<https://doi.org/10.47390/A1342132021N4>

Аннотация. Мақола замонавий менежментнинг долзарб муаммоларидан бири – раҳбар кадрларда бошқарув компетенцияларини ривожлантиришига багишланган. Бунда раҳбар кадрларнинг фаолияти самарадорлигини таъминловчи омил сифатида бошқарув компетенциялари таҳлил қилинган. Шунингдек, бошқарув компетенциялар модели кўриб чиқилган, ваколатларни берши тамойиллари батафсил баён этилган. Раҳбар кадрларда бошқарув компетенцияларини шакллантириши бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқарилган.

Калим сўзлар: Бошқарув ресурслари, бошқарув компетенциялари, компетенциялар модели, компетенция ва масъулиятни топшириш, ваколатларни берииш.

Аннотация. Статья посвящена одной из актуальных проблем современного менеджмента - развитию управленческих компетенций в менеджменте. При этом анализировались управленческие компетенции как фактор, обеспечивающий эффективность управленческого персонала. Рассмотрена также модель управленческих компетенций, подробно описаны принципы делегирования полномочий. Разработаны практические предложения и рекомендации по формированию управленческих компетенций у управленческого персонала.

Ключевые слова: ресурсы управления, управленческие компетенции, модель компетенций, делегирование компетенций и обязанностей, делегирование полномочий.

Annotation. The article is devoted to one of the current problems of modern management - the development of management competencies in management. At the same time, management competencies were analyzed as a factor ensuring the effectiveness of the management staff. The model of management competencies is also considered, the principles of delegation of powers are described in detail. Practical suggestions and recommendations on the formation of management competencies in the management staff were developed.

Keywords: Management resources, management competencies, competency model, delegating competencies and responsibilities, delegating authority.

DOI: 10.47390/A1342132021N4

Белгиланган мақсадларга эришиш ва ишлаб чиқилган режаларни муваффақиятли амалга ошириш раҳбар кадрлар салоҳиятига боғлик. Тажрибали менежерларнинг фаолиятишуни кўрсатадики уларнинг аксарияти фақат ўз кучлари, ақллари ва сезгиларига таяниб муваффақиятга эришдилар. Ҳозирда раҳбар кадрларларнинг шахсий самарадорлиги ва бошқарув компетенцияларни намоаён бўлишини Ли Якокка, Генри Форд, Акио Морита ва бошқалар менежерлар тажрибасида кўриш мумкин. Раҳбар кадрларнинг касбий муваффақиятини белгилайдиган асосий бошқарув компетенцияларини шакллантириш давалат фуқаролик хизматида фаолият юритаётган ҳар раҳбар кадр учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида ўз ресурсларига - шахснинг психологик хусусиятларига, харизмасига, бўйсунувчилар билан ўзаро муносабат услубига ва албатта шахсий тажрибага, ўрганилган техникага таянади. Шу билан бирга унга ва унга ишониб топширилган жамоага юклатилган вазифаларни ҳал қилиш учун менежер ўз бўйсунувчилари ўз жамоасининг ресурсларидан фойдаланади: компаниянинг ташкилий маданият хусусиятлари, бўйсунувчиларнинг ишончи, умумий қадриятлар ва жамоада шаклланган муносабатлар тизимиға таянади (1-жадвал).

1- жадвал**Раҳбар ресурслари**

| Раҳбар ресурслари | Шахсий | Гурухий |
|---|--|--|
| Шахсга хос бўлган психологоик жараён; | Харизма Соғлиқ Ақл Етакчилик салоҳияти Мулоқот услуби Шахсий фазилатлар Ваколатни ўзатиш маҳорати, режалаштириш, вақтни бошқариш ва бошқалар. | Муносабатлар тизими Жамоада ишлаш истаги Ҳамжиҳатлик Ишонч Норасмий етакчилик |
| Технологик усуллар, техникалар ва бошқалар; Тўлиқ хабардорлик билан фойдаланиладиган ва ўрганиш мумкин бўлган тажрибалар | Мулоқот технологиялари Таъсир усуллари Раҳбарлик позицияси | Қадриятлар тизими Умумий мақсад Гуруҳдаги ўзаро муносабатлар қоидалари, ташкилот маданияти нормалари |

Лидерлик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Рональд Риггио бошқарув кадрлари бўйича зарур бўлган 10 та компетенцияни алоҳида ажратиб кўрсатади.[1] Улар жумласига ижтимоий интеллект, шахсларо кўникумалар, ҳиссий кўникумалар ва ақл-идроқ, эҳтиёткорлик, жасорат, низоларни бошқариш, қарор қабул қилиш, сиёсий билимлар, таъсир кўрсатиш кўникумалари қаби компетенциялар киритилган.

Замонавий менежментнинг М.Б Курбатов, М.И Магура ва В.В. Травин каби тадқиқотчиларининг фикрига кўра [2] муваффақиятли раҳбарлик учта асосий омилга асосланган: истак, тушуниш ва имконият.

Истак- бутун ташкилот ишини яхшилаш учун мотивация билан белгиланган мақсадлар билан боғлиқ.

Тушуниш - бу сизнинг мақсадларингизга эришиш учун нимани ва қандай қилишни билишингиз. Бу одамлар ташкилотда ишлаш тажрибаси натижасида ҳам, ўқитиши натижасида ҳам пайдо бўлади. Ташкилотда инсон хатти-ҳаракатларининг асосий намуналарини билиш.

Имкониятлар - бу бир томондан факат моддий имкониятларнинг мавжудлиги (молия, жамоанинг интеллектуал салоҳияти, ноёб технологиялар ва бошқалар), иккинчидан, раҳбарият ва ходимлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражаси.

Истак, тушунча ва имконият нафақат бошқарув жараёни содир бўладиган жиҳат, балки ташкилотнинг мақсадларини ҳисобга олган ҳолда менежмент ва кадрлар бўйича мутахассислар томонидан шаклланган ва мақсадга мувофиқ қўйилган келажакдаги муваффақият учун асосдир. Ушбу ишни муваффақиятли амалга ошириш ходимларни бошқариш қоидалари, тамойиллари ва технологиялари билан изчил танишишни талаб қиласди.

Раҳбарнинг бошқарув салоҳияти ҳақида гапирганда биринчи навбатда бошқарув компетенцияларининг ривожланиш даражасини баҳолаш керак. Кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг касбий муваффақиятини белгилайдиган энг муҳим бошқарув компетенциялари йиллар давомида шаклланиб боради (2-жадвал).

2- жадвал

Бошқарув компетенциялар модели [3]

| Компетенция номи | Компетенциянингтавсифи |
|--|--|
| Зарур билим ва маълумотларни билиш учун дунёқарашнинг кенглиги | Чекловларни кўриш; Ташкилот ичида ва ташки дунё билан тармоқларни, расмий алоқа каналларини яратади ва қўллаб-қувватлайди; Маҳаллий, халқаро сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан ҳамқадам; Рақобатчилар фаолиятини кузатиб боради; Нима бўлаётгани ва нима бўлиши кераклиги ҳақида умумий тасаввурга эга. |
| Муаммони аниқ тушуниши учун таҳлил ва идрокнинг кучлилиги | Умумий вазифани аниқ кўриб чиқади; Маълумотни аниқ ва тезкор равишда ушлайди; Турли хил маълумотларни таққослайди; Тасодифий, ўзгарувчан муносабатларни кўради; Муаммонинг моҳиятини тушунади; Муаммога таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олади; Чекловларни кўради; Янги маълумотлар натижасида юзага келадиган ўзгаришларга мослашади |
| Вазият ўзгаришига мослашиш | Вариантларни яратиш; Ижобий ва салбий натижаларни ўрганиб, амалга оширилган вариантларни баҳолайди; Таклиф этилаётган вариантларнинг таъсирини олдиндан ҳисоблаб чиқади; Бошқаларнинг муносабатини тахмин қиласди; |

| | |
|---|---|
| | Ташаббускорликни намоён этади ва аклидрокка эга. |
| Иш самарадорлигини таъминлаш учун ташкилотчилик | <p>Устуворликларни белгилайди;</p> <p>Режа ва вазифаларни белгилайди;</p> <p>Вақт ўтиши билан уларнинг бажарилишини тақсимлайди;</p> <p>Ресурсларга бўлган эҳтиёжни тахмин қиласди;</p> <p>Ресурсларни оқилона тақсимлайди;</p> <p>Ходимлар учун мақсадларни белгилайди;</p> <p>Ўзининг ва уларнинг вақтини бошқаради.</p> |
| Ўз позицияни илгари суриш учун ўзига бўлган ишонч | <p>Ўзига бўлган ишончни билдиради;</p> <p>Қарорлар қабул қилишга ва қўллаб-қувватлашга тайёр;</p> <p>Рахбарлар билан жасорат билан мулоқот қиласди;</p> <p>Хатоларни тан олишга доим тайёр;</p> <p>Танқидий мулоҳазаларни муносиб қабул қиласди;</p> <p>Қайси соҳаларда етарли тажрибага эга эмаслигини билади.</p> |
| Натижадорликка интилиш | <p>Натижага эришиш учун таваккал қилишга тайёр;</p> <p>Ўз вақтида қарор қабул қиласди;</p> <p>Инновацияларни жорий қиласди ёки натижага эришиш учун мавжуд процедураларни мослаштиради;</p> <p>Муаммони ҳал қилиш билан шуғулланади;</p> <p>Шахсан муаммоларни ҳал қилиш ҳақида қайғуради;</p> <p>Янги ғояларни таклиф қиласди;</p> <p>Мақсадларни белгилайди;</p> <p>Ўз-ўзини ривожлантириш зарур бўлган соҳаларни кўради;</p> <p>Янги билим ва кўникмаларни эгаллади.</p> |
| Бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуниш учун зарур бўлган сезгирилик | <p>Бошқаларнинг нуқтаи назарини тинглайди; Бошқаларнинг эҳтиёжларини хисобга олади;</p> <p>Вазиятни бошқа одамлар нуқтаи назаридан кўриб чиқади;</p> <p>Ходимларга нисбатан ҳамдард;</p> <p>Бошқаларнинг умидларини билади.</p> |
| Бошқалар билан ишлаш учун ҳамкорлик | Ўз ғоялари соҳасида бошқаларни жалб қиласди; |

| | |
|---|--|
| | Бошқаларга хабар беради; Жамоа аъзоларининг маҳоратидан фойдаланади; Жамоа ичидағи ўзаро таъсир қоидаларини қўллаб-куватлайди; Янги ғоялар ва таклифлар учун очиқ. |
| Узоқ муддатда ғалаба қозониш учун сабр-тоқатлик бўлиш | Стратегик режага риоя қилади; Қийин вазиятда четга чиқмайди; Стратегик фикрлайди; Ноаниқ вазиятларда оптималь қарор қабул қилишга ҳаракат қилади. |

Бошқарув компетенция модели ташкилотнинг бошқаруви самарадорлигини белгиловчи мезонлар билан бевосита боғлиқ. Ҳарбир компетенция бошқарув компетенцияси тегишли хулқ-автор кўрсаткичлари тўплами ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган бошқарув компетенциялари раҳбар кадрлар ишининг барча таркибини қамра болмайди. Баъзи ҳолларда раҳбар кадрларнинг иши ташкилот ёки раҳбарлик қилаётган бўлинма фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ қўшимча компетенцияларни талаб қилиши мумкин. Унга бўйсунувчилар фаолиятини ижодий ташкил этиш, ҳамкаслар ва шериклар билан ўзаро алоқада бўлиш ҳамда мулоқот қилиш орқали белгиланган мақсадларга эришишга имкон берадиган компетенцияларни киритиш мумкин.

Бошқарув вазифалари доираси кенгайиб ва мураккаблашиб борган сари, ташкилот ходимларига нафақат индивидуал иш ва функцияларни, балки мустақилиш юритиш ҳамда қарор қабул қилиш қобилиятини ҳам ўз ичига олган техник топшириқ, жавобгарлик вазифаларини топширишга объектив эҳтиёжи тутгилади.

Ваколатларни бериш - бу раҳбар томонидан ўз расмий функцияларининг бир қисми бўйсунувчиларига уларнинг ҳаракатларига фаол аралашмасдан топширилиши. Ушбу жараён одатда ваколатни топшириш усули деб аталади унинг бошқарувдаги ўрни шунчалик каттаки кўплаб тадқиқотчилар ва амалиётчилар буни алоҳида бошқарув тамойили сифатида кўриб чиқмоқдалар.

Ваколатларни бериш тамойили раҳбар томонидан ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг бир қисмини ваколатли ходимларига топширишдан иборат.

Раҳбар кадрлар умумий бошқарув таркиби учун жавобгарликни саклаб қолади. Ваколатларни бериш узоқ вақт давомида амалга оширилиши ёки бир марталик буюртмалар билан чекланиши мумкин. Бундай ҳолда қуйидаги шартларга риоя қилиш керак:

- тегишли ходимларни танлаш (вазифани ҳал қилишга ҳисса қўшадиган ходим бўлиши керак);
- уларни вазифалар, мақсадлар, талаб қилинадиган натижалар, маблағ ва муддатлар билан таъминлаш;
- вазифаларни тақсимлаш;
- берилган вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш;
- бўйсунувчиларни рағбатлантириш ва уларга маслаҳат бериш;
- мунтазам равишда қайта алоқа (ходимларнинг муваффакияти ва муваффақиятсизлигини баҳолаш).

Ваколатларни беришнинг афзалликлари:

- раҳбар кадрларнинг шахсий иштирокини талаб қиласиган вазифалар билан шуғулланиши;
- ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва узоқ муддатли ривожланиш режаларига эътибор қаратиш;
- ижодий ва фаол ишчиларни рағбатлантиришнинг энг яхши усули;
- ваколатларни бериш жараёни таълим олишнинг энг самарали усулларидан бири;
- ваколатларни бериш жараёни - бу профессионал мартаба ривожланишининг бир усулидир.

Ваколатларни бериш тамойили қуйидаги ҳолларда самарали бўлади:

- бўйсунувчилар ҳақиқатан ҳам уларга қандай янги вазифалар юклanganligini biliшади va tushunadilar.
- ваколат берилган ходим олдиндан янги функцияларни бажаришга тайёр, унинг топшириқни бажара олишига ишонч пайдо бўлади ва рағбатлантириш механизми таъминланади;
- ижрочи ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ва тўлиқ билади;
- ижрочи ўз ҳаракатларида эркин;
- вазифаларни амалга ошириш йўлларини танлашда етакчининг иштироки қанчалик кам бўлса шунча яхши бўлади;
- вазифани бажариш учун аниқ мақсадлар ва муддатларни белгилаш лозим;
- бўйсунувчи ўз фаолиятини кузатиб бориш зарурлигини тушунади ва режалаштирилган кўрсаткичлардан четга чиқиш тўғрисида объектив маълумот беради;
- ваколатни олган киши шуни билиши керакки у нафақат қарорлари учун, балки ҳаракатсизлиги учун ҳам жавоб бериши керак.

Ушбу қоидалар экстремал вазиятларда инқироз шароитида, инсон омили алоҳида аҳамиятга эга бўлганда жуда муҳимдир.

Менежмент бўйича мутахассислар Г.Кунцва С.О'Доннел [4] вазифанинг моҳиятини (мувофиқлик тамойили) ҳисобга олган ҳолда ижрочиларни танлаш муҳимлигини таъкидлайди. Уларнинг фикрига кўра, ваколатларни самарали топшириш учун мукофотлаш тизими зарур. Доимий равишда очик алоқа йўналишлари бўлиши шарт: менежер ва бўйсунувчи ўртасида эркин маълумот алмашинуви бўлиши керак, бу орқали ижрочи қарор қабул қилиш ва топширилган ваколатларнинг моҳиятини тўғри англаш учун зарур бўлган маълумотларни олади.

Тамойилнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, раҳбар кадрлар ўз вақтини унчалик мураккаб бўлмаган кундалик ишлардан, одатий ишлардан халос қиласди ва кучларини янада мураккаб бошқарув даражасидаги муаммоларни ҳал қилишга йўналтириши мумкин. Шу билан бирга, раҳбар кадрлар учун жуда муҳим бўлган, бошқарув компетенциялари стандартига мувофиқлиги таъминланади. Шу билан бирга, ваколатларни бериш тамойилидан фойдаланиш ходимларнинг малакасини оширишнинг мақсадли шакли бўлиб, улар фаолиятининг ривожлантиришга, ташаббускорлик ва мустақилликнинг намоён бўлишига ёрдам беради.

Хулоса қилиш мумкинки, раҳбар кадрлар бошқарув фаолиятини таъминловчи компетенцияларни ўз ёшлирига мувофиқ тарзда ва баъзан ҳатто меҳнат фаолияти заруратидан эмас, балки шахсий руҳий тўқинлик ҳиссига эга бўлиш учун зарур деб топар эканлар, яъни ушбу пайт компетенция ёш раҳбарнинг ўзини бутун, яхлит ва тўкин хис этиш учун хизмат қиласди. Мазкур тадқиқот натижалари ёш раҳбар кадарларга билим беришда, қайта тайёрлаш ва малка ошириш курслари фаолияти ва ўкув дастурларини ташкиллаштиришда ёрлам беради. Бундан ташқари, бошқарув соҳасида фаолият юритувчи психологлар томонидан ёш раҳбарларга кўрсатиладиган психологик маслаҳатлашув шароитларида ҳам инобатга олиниши лозим.

Раҳбар кадрларнинг самарали фаолиятини таъминловчи энг муҳим компетенция сифатида бошқарув маҳорати, яъни раҳбар эга бўлиш лозим бўлган бошқарув кўникмалари эътироф этилади. Дарҳақиқат, ҳар қандай бошқарув авваламбор раҳбардан менежментга оид умумэътироф этилган ва зарурий бошқарув кўникмаларини талаб қиласди. Авваламбор бу қаторда асосий бошқарув кўникмалари бўлмиш 1. Мақсад қўйиш; 2. Режалаштириш; 3. Фаолиятни режалаштириш; 4. Ходимлар устидан назоратни амалга ошириш ва 5. Ходимларни рағбатлантириш назарда тутилади. Бу бирламчи малакаларсиз ҳеч қандай бошқарувни амалга ошириш мумкин эмас [5].

Раҳбар шахсига хос хислатлар ҳақида гап кетар экан, шахснинг касбий мухим ва профессионал жиҳатларини аниқлашда бевосита мақсадли гурухга мурожаат этиш ўринли. Шу ўринда, раҳбарлик фаолиятида ёш раҳбарларга нималар муҳимлигини ўрганиш мақсадида компетенциялар рўйхатини саралаш бўйича маҳсус усуслар ишлаб чиқиш лозим.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References:

1. The Top 10 Leadership Competencies. // <https://www.psychologytoday.com/us/blog/cutting-edge-leadership/201404/the-top-10-leadership-competencies>
2. А. Б. Камалетдинова. Управленческие компетенции руководителя как фактор создания конкурентного преимущества организации. // Электронный журнал «Психологическая наука и образование» 2010, № 5/ www.psyedu.ru / ISSN: 2074-5885 /
3. Вудраф Ч. Центры развития и оценки. Пер. с англ. — М.: HIPPO, 2005. — 384 с
4. Камалетдинова А. Б. Управленческие компетенции руководителя как фактор создания конкурентного преимущества организации. // Электронный журнал «Психологическая наука и образование» 2010, № 5/ www.psyedu.ru / ISSN: 2074-5885 /
5. Ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини баҳолаш. Монография. / Муаллифлар жамоаси: А.Холов, И.Махмудов, Ш.Кадирова, Г.Бекимбетова ва бошқ. – Т.: «Янги ки-тоб» нашриёти , 2020. 192-б.

Юридик фанлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАСИ СИФАТИДА
ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

ю.ф.д., доц. Зулфиқоров Шерзод Хуррамович

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий- техник институти

доценти

**ВОПРОСЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРТИЙНЫХ ФРАКЦИЙ КАК СОЮЗА ДЕПУТАТОВ
В НАШЕЙ СТРАНЕ**

д.ю.н., доц. Зульфикаров Шерзод Хуррамович

Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан

**QUESTIONS OF FURTHER IMPROVING THE ACTIVITIES OF PARTY
FACTIONS AS A UNION OF DEPUTIES IN OUR COUNTRY**

Zulfikarov Sherzod, Associate Professor, PhD in Law

National Guard of the Republic of Uzbekistan Military and Technical Institute

zulfiqorov.sherzod@mail.ru

Иқтибос келтириши учун / For citation / Для цитирования:

Зулфиқоров Ш.Х. Мамлакатимизда депутатлар бирлашмаси сифатида партия фракциялари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -2021. -№ 1 (3). -Б. 35–47. <https://doi.org/10.47390/A1342132021N5>

Аннотация: мазкур мақолада сиёсий партиялар фракциялари, уларни шакллантириши тартиби, илмий - назарий қарашлар, фракциялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, парламентдаги мухолифат фракциялар, уларнинг парламент назоратини амалга оширишдаги функцияларини кенгайтиши, хорижий мамлакатлар тажрибалари, ҳукуматни шакллантиришида фракцияларнинг иштирокини кучайтиши, қонунлар ижроси назоратини амалга оширишдаги ролини оширишига доир таклиф ва тавсиялар ёритиб берилган.

Калим сўзлар: сиёсий партиялар, сиёсий партия фракциялари, депутатлар, қонун лойиҳалари, депутатлар бирлашмалари, парламентдаги мухолифат, демократик кучлар блоки, парламентдаги кўпчилик.

Аннотация: В этой статье фракции политических партий, порядок их формирования, научные и теоретические взгляды, правовые основы деятельности фракций, оппозиционных фракций в парламенте и их функции при осуществлении парламентского контроля, опыт зарубежных стран, предложения и рекомендации по усилению участия фракций в формировании правительства, повышение их роли в реализации законодательства

Ключевые слова: политические партии, фракции политических партий, депутаты, законопроекты, депутатские коалиции, оппозиция в парламенте, блок демократических сил, парламентское большинство.

Annotation: In this article, factions of political parties, the order of their formation, scientific and theoretical views, the legal foundations of the activities of factions, opposition factions in parliament and their functions in the exercise of parliamentary control, experience of foreign countries, suggestions and recommendations on strengthening the participation of factions in the formation of the government, increasing their role in the implementation of legislation.

Keywords: political parties, factions of political parties, deputies, bills, parliamentary coalitions, opposition in parliament, democratic forces bloc, parliamentary majority.

DOI: 10.47390/A1342132021N5

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирокидаги йифилишда сўзлаган маърузаларида, “Сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти”[1] деган, танқидий фикрларни билдириб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган барча жабҳалардаги ислоҳотларда сиёсий партиялар етакчи куч, ислоҳотларнинг ташаббускори бўлиши лозим. Бу ерда сиёсий партияларнинг мамлакатни янгилаш ва давлат ҳокимиятини демократлаштиришдаги роли тобора кучайиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юридик луғатларда, “Парламент (депутатлар) фракцияси бу парламентдаги бир партияга ёки парламентнинг айни палатасига мансуб бўлган депутатларнинг бирлашмаси” эканлиги таъкидлаб ўтилган[2]. Шунингдек, В.В.Лапаева таъкидлаганидек, “қўппартиявийлик тизими қарор топган давлатларда парламент фракцияларини тузишнинг асосий мезони депутатларнинг партиявий мансублигидир”[3]”. В.В.Лапаеванинг фикрига қўшилган ҳолда депутатларнинг қайси сиёсий партиялар томонидан кўрсатилишига қараб, парламентда ташкил этиладиган ўша партия фракцияси аъзолигини ташкил қиласди.

Таниқли олим Е.Михайлованинг таъкидлашича, “депутатларнинг у ёки бу фракцияга бирлашуви тўғри қонунлар қабул қилишга, касбдошлари билан келишилган ҳолда фаолият юритишга, сиёсий қарорларни келишган ҳолда қабул қилишда намоён бўлувчи депутат касб маҳорати ривожланишига салбий таъсир қўрсатувчи шахсий позицияларини ошкор этишларини чеклайди”[4].

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, бирлашмалар турли давлатларда турлича номлар билан аталади. Хусусан, Германияда фракция, Буюк Британияда парламент партиялари, Испанияда парламент гурухлари, Польшада депутатлар гурухлари каби номлар билан юритилади[5]. Ўзбекистон Республикасида эса депутатлар бирлашмалари сиёсий партия фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳи номи билан юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан қўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади, деган қатъий норма белгилаб қўйилган.

Сиёсатчи М.Ельшовнинг фикрича: “Олий Мажлиснинг бир палатали тизимдаги олдинги чакириқларда партиялар функцияларида парламент сессияларида тортишувчанлик ва ўз нуқтаи назарларида қатъиятлилик асосий аҳамиятга эга бўлмаган[6].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ эса, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракциялар тузиш хуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат битта фракциянинг аъзоси бўлиши мумкин. Фракция ўз ташаббуси билан, Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда, улар таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда тугатилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бизнингча, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига биноан, сиёсий партиядан Қонунчилик палатасига қўрсатилган номзодлардан “агарда 9 та депутати сайланмай қолса, яъни 7 ёки 8 та депутати бўлса, унда улар қандай фаолият юритиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани” мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мазкур қонунда фракция аъзолигидан чиқиш хошишини билдирган депутатнинг кейинги мақоми ҳақида норма мавжуд эмас. Ушбу масалага ҳам ойдинлик киритилиши мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида, Фракцияларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган. Мазкур ваколатларга қуйидагиларни киритиб ўтишимиз мумкин. Хусусан: Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни қўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади; Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлардан бевосита фойдаланади.

Бизнинг фикримизча, мазкур ваколатларни амалга ошириш тартиби ва механизмини очиб берувчи алоҳида “Сиёсий партия фракциялари тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Мазкур Низомда фракциянинг тўлиқ ва қисқартирилган номи; тузилиши; раис ва ўринбосарларини сайлаш тартиби; фракциянинг раҳбар органларини сайлаш тартиби; палата мажлисларида фракция номидан чиқадиган шахсларини сайлаш (тайинлаш) тартиби; бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларида фракция манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг номидан вакил бўлиш тартибини белгилаш; қарор қабул қилиш тартиби; фаол бўлмаган фракция аъзоларига нисбатан таъсир этиш чоралари каби масалалар ёритиб берилади.

Фракция ташкил этишнинг энг муҳим шартларидан бири муайян миқдорда депутатлар сонининг бўлишидир. Бундай талабнинг белгиланиши техник аҳамият касб этмай, балки парламент тузилмасининг оқилона ташкил этилишини таъминлаши билан ҳам зарурдир. Бу авваламбор, сиёсий масала бўлиб, унинг ҳал этилиши алоҳида сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги иштирокига қатъий таъсир кўрсатади. Ушбу миқдорни белгилашда бир қатор омиллар (амалдаги партиявий тизимнинг, шунингдек, сайлов тизимининг ўзига хослиги) инобатга олинади ҳамда уни белгилаш бир томондан парламент фаолиятининг самарадорлигини кафолатлаш ҳамда шу билан бирга ўз депутатлариiga эга барча партияларга тенг имкониятлар яратиб беришни ҳам таъминлаши зарур.

Парламент фракцияларини тузишда қуйидаги икки ҳолат алоҳида аҳамиятга эга: 1) фракцияларни ташкил этиш мезонлари (фракция аъзоси бўлиш ва бунга йўл қўймайдиган ҳолатлар); 2) ташкил этилаётган фракция таркиби.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қиласа, Франция Миллий мажлисида фракция тузиш учун 20 та, Италияда 20 та, ГФР Бундестагида депутатларнинг беш фоизи, Австралия ва Швейцарияда фракция тузиш учун эса бешта депутат бўлиши лозим. Масалан, Португалия ва Швеция

қонунчилигига парламент фракцияси ёки гурухларини тузиш учун муайян талаблар белгиланмаган, яъни сайловда биттадан кўп мандатга эга бўлган ҳар қандай партия ўз фракциясини тузиши мумкин[7].

Бизнинг таклифимизга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ эса, Қонунчилик палатасининг камидаги 9 нафар депутати эмас, 12 нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга деб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Негаки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиради; иккинчидан, сиёсий партиялар ўртасида соглом рақобатнинг кучайишига имкон яратади; учинчидан, ҳозирда давлат ҳокимиюти вакиллик органларига сайловларда номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши сиёсий партияларнинг фаоллашувига туртки бўлади, тўртингидан, жамиятда сиёсий партияларнинг кенгроқ сайловчилар доирасини қамраб олишига имкон яратиб беради.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Экологик сиёсий партияси илк бора иштирок этди ҳамда Қонунчилик палатасида ўз фракциясини тузиш имкониятига эга бўлди. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак:

Дастлабки ҳамда тақорорий овоз бериш натижасида, яъни сайловларнинг умумий якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар қуидаги депутатлик ўринларига эга бўлдилар: 1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 53 та депутатлик ўрни; 2. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 36 та депутатлик ўрни; 3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 24 та депутатлик ўрни; 4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 22 та депутатлик ўрни; 5. Ўзбекистон Экологик партияси 15 та депутатлик ўрнини эгаллашди[8]. Демак, барча сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари иштирокидаги йигилишда сўзлаган маърузаларида, “Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятини кучайтирмасак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси кутилган натижани бермайди” [9].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар иштироки эса ҳар бир ривожланган демократик - ҳуқуқий давлат парламентида сиёсий партиялар фаол иштироки муқаррар бўлгани каби табиий ва муҳим ҳодисадир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партия

фракцияларининг фаолиятини кучайтиришда фракциялараро дебатларнинг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади. Негаки мазкур дебатлар фракциялар ўртасидаги ўзаро соғлом муҳитни янада ривожлантиради, янги креатив ғоялар билан олдинга интилишларига бевосита туртки беради.

Фракциялараро дебат, сиёсий дебатнинг кўриниши сифатида партиянинг ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказишга мўлжалланган муҳим тадбири ва парламент фаолиятининг ажralмас қисмидир. Парламент кенгашиладиган, маслаҳатлашадиган, масалалар баҳс – мунозара ҳамда музокара йўли билан муҳокама этиладиган муассасадир. Бу ерда турли ижтимоий манфаатлар тўқнашади. Шу боис парламентда мунозара ва тортишув йўли билан фикрлар чархланади ҳамда умумий келишув (консенсус) асосида қарор қабул қилинади[10]. Мазкур таърифга қўшилмаган ҳолда, бу ерда фракциялараро дебатлар муассаса ҳақида эмас, сиёсий тортишувлар жараёни ҳақида сўз юритилиши лозим эди.

Дебатнинг ўтказилишдан асосий мақсад – қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш, фракциялар ҳамда депутатлар групчалири вакилларининг қонун лойиҳалари юзасидан нуқтаи назарларини белгилаш, билдирилган таклифлар асосида қонун лойиҳасини маромига етказиш, пировардида унинг ҳаётийлигини таъминлаш, қонун нормаларини таҳлил қилиш орқали аниқ таклифларни шакллантиришдан иборат .

Албатта мазкур жараёнларда депутатлардан юқори профессионаллик, чуқур билим ва тафаккур, зарурий малака, юксак ҳаёт тажрибаси талаб этилади. Шу орқали улар ўзларининг фракцияси манфаатларини ҳимоя қиласи ва жамиятдаги нуфузини янада ошириб олади.

Юридик фанлар номзоди И.Р.Бековнинг фикрига кўра, депутат бирлашмалари бу парламентда депутатлар групчалири ёки фракциялар шаклида депутатларнинг биргаликда фаолият олиб боришида намоён бўлади. Депутатлар бирлашмаларида депутатларнинг сиёсий мақсадлари ва манфаатлари бир бирига ўхшаш бўлади ва парламентдаги муайян масалаларни ҳал қилишда ягоналик асосида ҳаракат қиласидилар[11].

2007 йилда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун сиёсий партиялар, партия фракцияларининг ҳукуқий мақомини такомиллаштириш, ҳукуқ ва ваколатларини кенгайтириш орқали давлат бошқарувидаги иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур конституциявий қонунда, ўзларининг дастурий вазифалари яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиқсан ҳолда блок тузабётган бир неча

сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши; янгидан шакллантирилган хукуматнинг тутган йўли ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партия фракцияси ўзларини мухолифат, деб эълон қилиши мумкинлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги ва бошқа шунга ўхшаш қатор янги қоидалар киритилди.

2011 йил 18 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Конун асосида Конституциянинг 98 -моддасига ўзгартиш киритилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгиланди.

Мазкур янги киритилган нормалар асосида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар нафақат парламентда энг кўп ўрин эгаллаш ёки Бош вазир номзодини кўрсатиш хукуқи учун, балки ўз сиёсий платформаси ҳамда дастурларида акс этган асосий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам кураш олиб боради, бу эса, пировардида мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш жараёнларида сиёсий партиялар ролининг янада ошишига ёрдам беради.

2015 йил 29 декабрда қабул қилинган қонун асосида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга киритилган мазкур қўшимчалар сиёсий партия фракцияларининг қонунчилик жараёнидаги иштирокини, ролини кенгайтириб юборди. Шу маънода, фракция аъзолари ҳам ўзининг профессионал хислатларини, билимларини, ҳаёт тажрибаларини намоён этган ҳолда масъулиятларини оширишлари лозим.

Депутатлар қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида ўз сиёсий партияларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Шунга мувофиқ фракцияларнинг аниқ позициялари асосида айрим қонун лойиҳалари маромига етказилиши учун қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектларига қайтарилди. Бу кўрсаткич, 2019 йилда 2 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 8 тани ташкил қилди [12]. Албатта бу ижобий ўзгариш, негаки қонунчилик ташаббуси хукуқига эга бўлган субъектлар юбораётган қонунларнинг мазмуни ва сифатига алоҳида эътибор қаратияптилар.

Шунингдек, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида, Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияларнинг фаоллигини ошириш, сайлов олди учрашувларда аҳоли томонидан кўтарилиган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш вазифалари белгилаб қўйилган.

Ижро ҳокимияти фаолиятини шакллантиришдаги Олий Мажлис Конунчилик палатасининг ваколати ва иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида, 2019-йил 5-мартдаги “Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши натижасида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79, 93, 98 - моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди[13].

Мазкур янги қоидага мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Олий Мажлис Конунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади. Бу тартиб - қоидада ҳам сиёсий партия фракцияларининг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки ва ваколатларини кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласида. Мазкур қонунга мувофиқ, парламент қуий палатасига ҳукумат аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш ваколати берилди. 2019 йилда илк маротаба ҳукумат аъзолигига З нафар номзод Конунчилик палатасининг мажлисларида кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Буларга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Э. Баситханова; Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров; Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Ҳусановлардир[14]. Албатта юқорида таъкидланган демократик ислоҳотлар сиёсий партиялар фаоллигига ва ўзаро рақобат олиб боришига ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган қисқа вақт давомида мазкур ўзгаришлар мувофақиятли амалиётда қўлланиб келинмоқда.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Конунигининг 2-моддаси демократик кучлар блокини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб, унда бир неча сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий мақсад-вазифаларининг

яқинлигидан ёки ўхшашлигидан келиб чиққан ҳолда парламент қўпчилигини тузиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу нормага асосланиб, 2015 йил 14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентнинг қўйи палатасида “Демократик кучлар блоки”ни тузиш масаласи мухокама этилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Сиёсий партияларни уларнинг амалдаги ҳокимиятга нисбатан муносабатига кўра, хукмрон(хукуматдаги) ва мухолифат партияларга бўлиш кенг тарқалган. Ҳукумат партиялар бу амалдаги ҳокимият тепасида бўлган ҳамда қўпчилик ғарб олимларнинг фикрича, улар давлат органларининг ёрдамчиси ҳисобланадилар. Бундай партияларга кўпинча консерватив йўналишдаги партиялар киради. Мухолифат партиялар эса амалдаги ҳокимиятдан ўрин ололмаган ҳамда хукмрон сиёсий партиянинг ғоявий – сиёсий қарашларига қарши чиқувчи партиялардир, бундай партияларга шартли равишда радикал типдаги партиялар киритилади. Буюк Британияда агар ҳокимият тепасига Консерваторлар партияси келса, уларга мухолифат партия Лейбористлар партияси бўлади ёки аксинча[15].

Юридик фанлар доктори М.Ф.Чудаковнинг фикрича, Буюк Британияда барча парламент фаолияти фракциялар ташкил этилгандан бошланади. Парламентда қўпчилик ўринга эга бўлган фракция ҳукуматни шакллантирилади, мазкур фракция раҳбари Ҳукуматда Бош вазир лавозимини эгаллайди. Сони бўйича иккинчи ўриндаги партия фракцияси расмий ўзини мухолифат деб эълон қиласи. Фракция раҳбари мухолифат партия фракциячи раҳбарига айланади. Қиролича эса яширин кабинетга бошчилик қиласи[16].

1937 йилги “Министрлар Каронаси тўғрисида”ги актга мувофиқ, мухолифат партия фракцияси етакчисига қиролича ҳар йил маош тулайди. Мазкур партия депутатлари “Яширин кабинет”ни ташкил этади. Улар ҳар доим ҳукумат фаолиятидан хабардор бўлиб, ҳар вақтда амалдаги ҳукуматни ўзгартиришга тайёр туради.

Ўзбекистон Республикасида мухолифат сиёсий партиялар ҳақида қонунчилигимизда қоидалар мустаҳкамлаб қўйилмаган. Аммо мухолифат сиёсий партия фракциялари фаолияти бўйича қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Профессор З.Исломовнинг фикри кўра, “ Мухолифат сиёсий институт сифатида сиёсий рақобатнинг муҳим институти” [17] деб ҳисблайди. Профессор Ш. Мамадалиев эса “оппозиция(мухолифат) деб ўзининг жамиятни ривожлантиришга оид сиёсий дастурига, электоратига эга бўлган, давлат

вакиллик органларидаги ўз вакиллари орқали расмий ҳокимиятга таъсир этувчи, қонунлар доирасида сиёсий ҳокимият учун кураш олиб борувчи сиёсий партияга айтилади[18], деган фикрни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34 - моддасида, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган.

2007 йилда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунда, янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин. Агар амалиётга қарайдиган бўлсак, бирон марта янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар ўзларини мухолифат деб эълон қилганлигини кузатмаганмиз. Шу маънода мазкур тартибнинг механизмини очиб бериш лозим деб ўйлаймиз.

Бизнинг фикримизча, тегишли қонунларимизга Ҳукуматга нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилган партия фракцияларига қуйидаги ҳуқуқларни мустаҳкамлаб қўйсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларга: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ўзининг юборган сўровлари асосида тегишли маълумотларни ҳамда улар қабул қилган хужжатлардан нусхалар олиш; Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслар фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш; Парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолияти дастурига нисбатан муқобил таклифларни тайёрлаш; Ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасига нисбатан муқобил лойиҳани киритиш; Давлат дастурига нисбатан муқобил лойиҳани ишлаб чиқиш. Бу орқали домий тарзда Ҳукумат томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ва нуқсонлар тегишли маълумотлар асосида уларга етказилиб турилади.

П.Броҳмеднинг ёзишича, “Мухолифат – бу партия кейинги умумхалқ сайловларида ютиб чиқишини режалаштирган сиёсий кучдир” [19]. Дарҳақиқат, кейинги сайловларда ғалаба қозониш, халқнинг олқишига сазовор бўлиш учун сиёсий партия ҳамда унинг фракциялари мавжуд имкониятдан фойдаланишлари лозим. Юридий фанлар доктори Л.А.Нудненконинг мулоҳазасига кўра, “Табиий

савол туғилади парламентда иккита мухолифат фракцияси тузилиш мумкинми? Хорижий мамлакатлар Регламенти таҳлиллари натижаси шуни кўрсатадики, парламентда битта мухолифат депутатлар фракцияси ёки битта мухолифат депутатлар фракцияси бирлашмаси бўлиши мумкин. Мухолифат парламенти фаолиятини ташкил этиш ўзининг Низоми билан тартбига солинади.

Сиёсатшуносларнинг фикрига кўра, ҳозирги ўзини мухолифат деб ҳисоблайдиган партиялар, конструктив мухолифат сифатида ўз вазифасини бажара олмайдилар. Кўпчилиги асосан қуруқ сўзда ифодаланади, фуқароларнинг манфаатларини таъминлашдан эса анча йироқда[20].

Олий Мажлис Конунчилик палатаси фаолиятига эътибор қаратдиган бўлсак, мухолифат сиёсий партия фракциялари, Демократик кучлар блокининг реал фаолиятини, унинг ўзига хос йўналишини кузатиш қийин. Шунинг учун мазкур мухолифат партия фракциялари, Демократик кучлар блокининг палатадаги роли ва ўрнини ошириш мақсадида мухолифат партия фракциялар, Демократик кучлар блоки ўзини нима, унинг мақсад ва вазифалри, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият кафолталарини белгилайдиган алоҳида “Парламент мухолифати тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб, ўйлаймиз.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, 2020 йилда сиёсий партия фракциялари ташаббуси билан 9 маротаба “ҳукумат соати” ўtkазилиб, уларда вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарлари халқ вакилларининг долзарб масалаларнинг ечими юзасидан саволларига атрофлича жавоб берди. Ўзбекистон ХДП фракцияси 2 марта; “Адолат” СДП фракцияси 2 марта; ЎзЛиДеп фракцияси 2 марта; “Миллий тикланиш” ДП фракцияси 2 марта; Ўзбекистон Экологик сиёсий партия фракцияси 1 марта мазкур ташаббус билан чиқишлирини амалга оширган[21].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, партия фракциялари фаолияти қўйидаги ҳолларда тутатилади: фракциянинг ўз ташаббусига биноан; Конунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда; фракция таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда; тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тутатилганда). Конунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугашидан олдин фракциялар фаолиятининг тутатилиши Конунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, истиқболда сиёсий партия фракциялари парламент фаолиятида ўзининг ўрни ва ролини янада ошириши, қолаверса, парламент назорати шаклларидан унумли ва самарали фойдаланишлари лозим.

Адабиётлар/Литература/References:

1. <https://www.uza.uz>
2. Большой юридический словарь. – М.: Инфра- М, 1998. – С.743.
3. Лапаева В.В. Право и многопартийность в современной России: Учебник. –М., 1999. –С.193.
4. Михайлова Е. Теневые структуры Думы//Независимая газета”, 2001. -13 сентября.
5. Конституционное право зарубежных стран .Учебник.М., Том 1-2., ООО «Издательство БЕК».1999. – С.515.
6. Ельшов М. Парламентские фракции: правящие большинство и оппозиционное меньшинство// Ҳукуқ-Право-law. – Тошкент, 2005. - №. – Б.15.
7. Шнайдер Э. Политическая система Российской Федерации. – М.: ИНИОН РАН,2002. – С.176.
8. <https://www.elections.uz>
9. <https://www.uza.uz>
10. Конституциявий ҳуқуқ.Энциклопедик лугат// www.lex.uz.
11. Беков И.Р.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар: Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б.77.
12. <http://parliament.gov.uz/ru/>.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот.
13. 2019-йил 5-мартдаги “Хукumatни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун. <https://www.parliament.gov.uz>
14. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz)
15. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуки: Дарслик/Мсъул муҳаррир: проф.А.А.Азизхўжаев: - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. –Б.183.
16. Конституционное право зарубежных стран.Учебник/М.Ф.Чудаков. Минск: Вышэйшая школа, 2018. – С.301.
17. З.М.Исломов Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.- Б.135.
18. Ш.О.Мамадалиев. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истиқболлари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б.43.
19. Брохмед П.Эволюция британской конституции. М.: ЮЛ,1978.С.144.

20. Қаранг: Социальный заказна оппозицию в России//<http://sococom.ru/2008/07/31/opposition-for-russia>
<http://parliament.gov.uz/ru/>. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот..

Юридик фанлар

СУД НАЗОРАТИ ВА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ
Жавлиев Нурали Баходирович
юридик фанлар номзоди, доцент

СУДЕБНЫЙ КОНТРОЛЬ И НЕЗАВИСИМОСТЬ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ
Жавлиев Нурали Баходирович
кандидат юридических наук, доцент,

JUDICIAL REVIEW AND INDEPENDENCE OF JUDICIARY
Nurali Javliev
PhD in Law, associate professor

Иқтибос келтириши учун / For citation / Для цитирования:

Жавлиев Н.Б. Суд назорати ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги. -2021. -№ 1(3). – Б. 48–54.
<https://doi.org/10.47390/A1342132021N6>

Аннотация: ушбу мақолада суд назорати ва суд ҳокимияти мустақиллиги ўзаро боғлиқликда таҳлил қилишига ҳаракат қилинган. Бунда суд ҳокимияти мустақиллигининг тушунчаси ва мазмун-моҳияти, судьяларнинг индивидуал ва суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги масалалари ўрганилган.

Калим сўзлар: суд ҳокимияти, суд назорати, суд мустақиллиги, судьяларнинг индивидуал мустақиллиги, суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги.

Аннотация: в данной статье сделана попытка проанализировать такие взаимосвязанные категории как судебный контроль и независимость судебной власти. Изучены такие вопросы как определение и сущность понятия независимости судебной власти, индивидуальная независимость судьей, институциональная независимость судебной власти.

Ключевые слова: судебная власть, судебный контроль, судебная независимость, индивидуальная независимость судьей, институциональная независимость судебной власти.

Abstract: The article analyses such interrelated categories as the judicial review and the independence of the judiciary. The article examines such issues as the meaning of judicial independence, individual and institutional independence of judiciary.

Key words: judicial power, judicial review, judicial independence, individual and institutional independence of judiciary.

Annotation: In this article, factions of political parties, the order of their formation, scientific and theoretical views, the legal foundations of the activities of factions, opposition factions in parliament and their functions in the exercise of parliamentary control, experience of foreign countries, suggestions and recommendations on strengthening the participation of factions in the formation of the government, increasing their role in the implementation of legislation.

Keywords: political parties, factions of political parties, deputies, bills, parliamentary coalitions, opposition in parliament, democratic forces bloc, parliamentary majority.

DOI: 10.47390/ A1342132021N6

Суд ҳокимиятининг асосий функцияси – бу одил судловни амалга оширишдан иборатdir. Фақатгина суд ҳокимиятига берилган ушбу ваколат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини таъминлайди. Одил судловни амалга ошириш бўйича суд фаолиятининг асосий бир қисми – бу суд назоратидир. Таъкидлаш жоизки, суд назорати турли соҳаларда, жумладан, жиноят процессида, фуқаролик ва иқтисодий ҳамда маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Биргина маъмурий судлар мисолида гапирадиган бўлсак, судьялар маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорларининг қонунийлигини текширар экан, албатта муайян тазиикқа учраши табиий ҳол. Шу сабабли, суд назоратини амалга оширишда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам кўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, хаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”[1].

Мазкур масаланинг муҳимлигини ва долзарблигини инобатга олган ҳолда, ҳозирги замон ўзбек ҳуқуқшунослигига суд ҳокимияти мустақиллигининг

тушунчаси ва мазмун-моҳиятини аниқлаштиришга зарурат борлигини айтиб ўтиш мумкин. Бинобарин, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан ушбу масаланинг назарий-ҳуқуқий талқинига етарлича эътибор қаратилмаган.

Ф.Ф.Мухитдинова ўзининг “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қарор топиши ва ривожланиши” мавзусидаги докторлик диссертациясининг 3.1.-параграфи доирасида суд ҳокимияти мустақиллигининг тушунчасини очиб беришга ҳаракат қилган. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги замонавий давлатда суд мавқеини белгиловчи таянч принцип бўлиб, у суднинг мустақиллиги ва ҳеч кимга қарам эмаслигини англаради. Олиманинг ёзишича, “Бу атамалар маъно жиҳатидан яқин эканлигига қарамай, уларни фарқлаш зарур. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, тадқиқотчининг фикрича, суд ҳокимиятининг мустақил органлари тизими мавжудлигидан далолат берувчи ташкилий белгидир. Суд ҳокимиятининг қарам эмаслиги эса, одил судловни амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг мустақиллиги кўпроқ даражада судьяларнинг холис беғаразлигига намоён бўлади” [6, 24].

Ўзбекистон Республикасида “суд ҳокимияти мустақиллиги” тушунчасининг легал таърифи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида берилган бўлиб, унда қўйидаги қоида мустаҳкамланган: Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади [9]. Ушбу конституциявий нормада қонун чиқарувчи суд ҳокимияти мустақиллигининг маъносини очиб беришда асосий ғояни – яъни суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан (қонун чиқарувчи ва айниқса ижро ҳокимиятидан) мустақил иш юритишни белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) Конунининг 4-моддасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги белгиланган: Судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувоғиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади [10].

Россиялик олима Л.В.Шеломанова суд ҳокимияти мустақиллиги тушунчасининг қўйидагича талқинини берган: судьяларнинг мустақиллиги деганда демократик давлат конституциявий тузумининг принципи бўлиб, унга

қўра профессионал судьялар ва одил судловни амалга оширувчи бошқа шахсларнинг сиёсий арбоблар ва давлат органларидан ташкилий жиҳатдан мустақил эканлиги ва ҳимояланганлигини англатади. Суд ҳокимиятининг уч шахслар томонидан ҳуқуққа хилоф равишда аралашувидан бундай ҳимояланиш усули моддий-ҳуқуқий ва процессуал кафолатлар яратувчи конституциявий-ҳуқуқий институтлар тизими томонидан амалга оширилиши лозим [8, 8].

Европа ва Фарб олимлари ўртасидаги энг машхур таърифлардан бири австралийлик олим Г.Грин (Сэр Гай) томонидан шакллантирилган. Олим қуидагича фикр билдириб ўтган: “Мен суд ҳокимиятининг мустақиллиги деганда судларнинг ўз конституциявий функцияларини амалга оширишда реал ёки яққол аралашувидан конституцияда кўрсатилган даражада мустақил бўла олиши, шахслардан ёки институтлардан, жумладан суд ҳокимияти тўғридан-тўғри таъсири қила олмайдиган давлатнинг ижро ҳокимиятидан реал ва яққол мустақил бўла олишини тушунаман” [2, 135].

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган суд ҳокимияти мустақиллиги тушунчасининг таърифларига ҳам тўхталиб ўтиш мумкин. Жумладан, БМТнинг “Суд органлари мустақиллигига оид асосий Принциплар” [4] ида “Суд органлари ишларни ҳеч қандай чекловларсиз, ҳуқуққа хилоф таъсиrlарсиз, мақсадларсиз, босимларсиз, таҳдидларсиз ёки ким бўлишидан ва қандай сабаблардан қатъи назар тўғридан-тўғри ва билвосита аралашувларсиз беғараз, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ ҳал қиласидар”, деб белгиланган.

Юқоридаги таъриф ва тушунчаларни таҳлил қилиш орқали шундай хулоса қилиш мумкинки, суд ҳокимиятининг мустақиллиги биринчидан, алоҳида судьянинг одил судловни амалга оширишдаги мустақиллигини иккинчидан, бутун суд ҳокимиятининг давлат механизмидаги муҳим институт сифатида (қонун чиқарувчи ва айниқса ижро ҳокимиятидан) мустақиллигини англатади. Бу ерда гап судьяларнинг индивидуал ва суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги ҳақида бормоқда.

Суд ҳокимияти мустақиллиги тушунчасининг ушбу икки муҳим элементларини таҳлил қиласар эканмиз, улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки, масалан, судьянинг ташқи бевосита ва билвости аралашув ва тазиикдан мустақиллигини, унинг институционал мустақиллигисиз таъминлаб бўлмайди. Бунда суднинг алоҳида ҳокимият тармоғи сифатида муайян ваколаталар ва конституциявий функцияларга эга бўлиши талаб этилади.

Судьяларнинг индивидуал мустақиллиги ҳақида гап борганда аввало судьянинг ўз функцияларини ҳеч қандай қўрқувсиз ёки қабул қиласидан қарори учун ундан қасд олиши ёки унга пул мукофоти берилиши каби ҳолатлардан холи

равишида бажаришни англатади. Бунда судья халқаро хужжатларда белгилаб қўйилганидек, ишларни беғараз кўриб чиқиши, фактларни ҳаққоний баҳолаши, ҳуқуқ нормаларини қандай сабаб бўлишидан қатъий назар ҳеч қандай бевосита ва билвосита таъсирларсиз ва аралашувларсиз ҳал қилиши назарда тутилади [5].

Судьялар индивидуал мустақиллиги ўз ичига қуйидаги учта элементларни камраб олади: 1) персонал мустақиллик; 2) субстанционал мустақиллик; 3) ички мустақиллик.

Персонал мустақиллик шуни англатадики, судьяларнинг ваколат муддати ҳамда уларнинг хизмат фаолияти тегишли равишида муҳофаза қилиниши лозим. Бошқача айтганда, судьялик лавозимига сайлаш ва тайинлаш, судьяларнинг моддий ва пенсия таъминоти ижро ҳокимиятидан мустақил бўлиши ҳамда судьяларнинг ваколат муддати мажбурий пенсия ёшигача кафолатланиши керак [5]. Ушбу талаблар судьялар индивидуал мустақиллигининг муҳим жиҳатлари бўлиб, улар судьянинг ўз хизмат вазифалариниadolатли ва беғараз амалга оширишига кўмаклашади.

Субстанционал мустақиллик судьяларнинг функционал мустақиллигини англатиб, уларнинг фақат қонунга бўйсунишини назарда тутади. Ушбу ғоя Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ти Конунда ўз аксини топғанлигини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, қонуннинг 4-моддасида белгиланашича, Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажаришда уч турдаги мажбуриятларни амалга оширади: маъмурий, процессуал ва субстанционал. Маъмурий мажбуриятлар ўз ичига суд ишларини бошқариш, ишларни судда кўришга тайёрлаш, суд муҳокамасининг вақти ва жойини белгилаш, уни ўтказиш бўйича масъулиятни ўз ичига олади. Процессуал мажбуриятлар эса, судьянинг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни процессуал тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга ошириш масъулиятини аглатади. Судья мажбуриятларининг субстанционал жиҳатлари эса, унинг суд иши юзасидан қарор қабул қилиш масъулиятни ўз ичига олади. Бунда ишнинг фактик ҳолатларини аниқлаш ва уларга мувофиқ ҳуқуқ нормаларини топиш ва қўллаш қўллаш ҳақида бормоқда.

Судьяларнинг субстанционал мустақиллиги судьяларнинг юқоридаги учта, яъни маъмурий, процессуал ва субстанционал мажбуриятларни беовиста ва билвосита аралашувларсиз ва ташқи тазийк ҳамда босимларсиз амалга оширишни талаб қиласди [3, 630].

Судьялари индивидуал мустақиллигининг муҳим таркибий қисми – бу судьяларнинг ички мустақиллиги бўлиб, бунда судьяларнинг ҳамкасб судьялардан мустақиллиги тушунилади. Маълумки, судья нафақат ташқи кучлар таъсирига, балки ўз ҳамкасларининг, яъни юқори турувчи суд судьялари ва маъмурий бошқарув ваколатига эга судьялар тазиикiga ҳам учраши мумкин. Шу сабабли, халқаро хужжатларда ушбу масалага катта эътибор қаратилган. Жумладан, 1983 йилги Монреал декларациясининг 2.03.-бандига кўра, судьялар қарор қабул қилишда ўз ҳамкаслари ва раҳбарларидан мустақилдирлар.

Лекин, Николае Ешанунинг фикрича, халқаро хужжатларда суд тизимидағи ички мустақилликка ташқи мустақилликка қараганда камроқ эътибор қаратилади. Бироқ, бу масала ҳам муҳимдир. Кўпчилик давлатларнинг конституциясида мустаҳкамланган судларнинг мустақиллиги принципи нафақат ташқи тазиик ва таъсиrlарга, балки ички мустақилликка ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан қаралганда, айрим собиқ Иттифоқ давлатларида мавжуд амалиёт, яъни Олий суд ёки бошқа судлар томонидан томонидан қабул қилинадиган раҳбарий қарорларнинг қуи судлар учун мажбурийлиги муаммоли масаладир. Олий суд қуи суднинг қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиши хуқуқига эга бўлса-да, уларни устидан назорат қилиши мумкин эмас [7, 7-8].

Суд ҳокимиятининг жамоавий (ёки институционал) мустақиллиги суднинг давлат механизмининг муҳим бўғини сифатида самарали фаолият юритиш масъулиятини англатади. Суд мустақиллигининг ушбу турига кўп жиҳатдан судьяларнинг индивидуал мустақиллиги боғлиқдир, ваҳоланки суд ҳокимияти ижро, қонунчилик ёки бошқа давлат институтларига боғлиқ бўлса, бу ҳол алоҳида судьяларнинг ўз хизмат вазифларини мустақил амалга оширишига монелик қилиши мумкин. Демак, суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги судьяларнинг индивидуал мустақиллиги учун зарур бўлиб, у судьяларга ўзининг функционал вазифаларини беғараз ва одилона амалга ошириш учун шароит яратиб беради.

Шундай қилиб, суд ҳокимияти мустақиллиги иккита муҳим жиҳатга эга: биринчидан, индивидуал, яъни алоҳида судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги мустақиллиги; иккинчидан, институционал, яъни суднинг алоҳида институт сифатида давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мустақиллиги. Судларнинг мустақиллигини таъминлаш суд назорати самарадорлигига эришишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Green G (Sir Guy). The rationale and some aspects of judicial independence/ Australian Law Journal. -1985. -№ 59.
3. Shetreet Shimon, Deschenes Jules. Judicial independence: The contemporary debate. –Dordrecht: Martinus Nijhoff Publishers, 1985.
4. БМТнинг жиноятчиликни олдини олиш ва хуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича еттинчи Конграссида қабул қилинган (Милан, Италия), БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29ноябрдаги 40/32-сонли ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюциялари билан тасдиқланган. (URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml).
5. БМТнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Суд органлари мустақиллигига оид асосий Принциплари”, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29ноябрдаги 40/32-сонли ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюциялари билан тасдиқланган. (URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml); “Оид судлов мустақиллигининг умумжаҳон декларацияси” Монреал декларацияси (URL: <http://www.jiwp.org/#!montreal-declaration/c1bue>).
6. Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан: Автореф. дисс... докт. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2012. – С.24.
7. Николае Ешану. Доклад стандарты венецианской комиссии по независимости судебной системы // “Обеспечение верховенства закона, надежной защиты прав и интересов личности – важнейшая цель демократизации и либерализации судебно-правовой системы”. Материалы конференции (Венецианская комиссия в сотрудничестве с Конституционным Судом Узбекистана). - Ташкент, Узбекистан. – 2012 год. -20-21 ноября. – С. 7-8.
8. Шеломанова Л.В. Независимость судей как конституционный принцип правосудия: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Белгород, 2013. – С.8.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) Конуни // <https://lex.uz/docs/68532>.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

№ 1 (3) 2021

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти.

Crossref DOI префекси: 10.47390. Хар
бир журнал сони ва ундаги мақолаларга
индивидуал DOI рақами берилади.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шахри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёоч кўчаси, 70/10-уй.
Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram); (94) 423-12-98